



Р. 1050/110

**ГУЛИСТОН**  
10 (34) 1969



Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали



№ 10 (34)

Октябрь

1969

R 496 1

**БУ СОНДА:**

Ҳамза Ҳакимзоданинг 80 йиллиги

Лениннома

Адресимиз: Лўғумбек

Муҳаррир минбари

Янги ҳикоя

Тўйхат


Муса Жалилнинг дўсти

Туркистон мумиёси

Оҳунинг мунис кўзлари

Зулматда юлдуз

Дам олиш соатларида



**АВТОРЛАРИМИЗ:**

Комил Яшин, Уйғун, О. Ҳасанов, Э. Миртурсунов, Р. Ҳамроев, М. Ҷориев, Ф. Кароматов, С. Иброҳимов, Э. Умаров, Мустай Карим, Э. Кедрина, Раҳим Бекниёз, И. Забилов, М. Бек, А. Шокиров, Э. Ҳакимов, Н. Шарафзода, Юсуф Шомансур, Ҳамид Тожибоев, Р. Байтуллаев, О. Шарафидинов, Т. Баҳромов ва бошқалар.

Ойлик ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадний журнал.

## МУҚОВАЛАРДА:

Биринчи бетда — Мангу олов.

Д. БАЛЬТЕРМАНЦ фотоси.

Иккинчи бетда — Пахтазор лавҳалари.

Г. БОЙКО фотоси.

Учинчи бетда — Тошкент оқшоми.

Л. ШЕРСТЕННИКОВ фотолари.

Тўртинчи бетда — Тош қўчқорлар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

Ички рангли саҳифаларнинг тўртинчи бетида — Чегарачилар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

## КЕЛГУСИ СОНДА:

Лениннома

Оташин шоир

Фарғона нефти

Диққат, Ильич гапиради

Ҳафиз полвон

Хушчақчақ санъат

„Севги тумори“

*Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитетининг нашриётида  
чоп этилган.*

---

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР. Таҳрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Уктам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул котиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммадjon УРОЗБОВЕВ, Тошмуҳаммад ҚОРИНИЕЗИЙ.

---

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

---

Бош расом Э. РУЗИБОВЕВ.  
Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

---

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47. КАРЛ МАРКС кўчаси, 30-уй.

---

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадиий бўлим — В-33519. Фан ва маданият бўлими — В-33519. Қабулхона — В-33520.

---

Теришга топширилди 13/VIII-69 й. Босишга ижозат берилди 2/X-69 й. Қоғози 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ҳажми 3,5 босма тобоқ. Буюртма 811, Нусхаси 155 456. Баҳоси 30 т. Р 16014.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.



ГБ УзССР  
Ж \_\_\_\_\_

ЯШАНГИЗ ИШЧИ, ДЕҲҚОНЛАР, ЖАҲОН ИЧРА!  
БУЛМАСИН ЗОЛИМЛАР БИЗНИНГ ЗАМОН ИЧРА!  
БУЗАМИЗ ЭСКИ ТУРМУШНИ, ХУРОФОТНИ, БИДЪАТНИ,  
ТУЗАМИЗ ЯНГИ ТУРМУШНИ ЗАМОН ИЧРА,  
АБАДИЙ СУНГРА ЯШАИМИЗ ЖАҲОН ИЧРА!

Бизнинг Ҳамза.

Риссом А. Циглицев.

## ДРАМАТУРГ

Комил ЯШИН

Ҳамза Ҳакимзода санъат ва адабиётнинг кўп жанрларида, маданиятнинг кўп соҳаларида мисли кўрилмаган энциклопедик фаоллик кўрсатди. Аммо унинг ҳақимиз бадий тараққиётида қилган энг катта хизмати, менинча, драматургиядир. У асрлар мобайнида кўпинча, фақат фольклордагина, ибтидоий мавқеда қолиб келган миллий драматик санъатни бирдан классик даражага кўтариб берди. Драматургияга асос солибгина қолмай, унинг ҳозиргача фаол хизмат қилиб келаётган ўлмас намуналарини яратди.

Ҳамза драматургияси ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаса ҳам, мазмунан жаҳон классикасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бизнинг адабиётимизда эса у бутун бир даврни ташкил этади,

бутун бир тарихий даврнинг барча синфий кучларини, социал воқеалари ва конфликтларини, зиддиятли ривожини тўла акс эттиради. Бу драматургиянинг хусусияти шундаки, у умуман театр санъати билан бирга туғилиб, республикада театр ва драматик адабиётнинг ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди.

«Бой ила хизматчи» — кескин синфий асар. Ундаги ҳаққоний синфий конфликт революцион йиллар моҳиятини, ундаги синфий кучлар характеристикасини, меҳнаткаш халқ тақдири ва истиқболини жуда тиниқ кўрсатади. Гафур кураш ва революцион воқеалар таъсирида синфий онги уйғонган, мураккаб йўл босиб ўтиб революцияга келган меҳнаткаш халқнинг типик вакили; шу

билан бирга унинг ўзига хос шахсий ҳаёти, хулқи, психологияси бор.

Типик шароитда типик социал характер яратиш маҳорати Ҳамза талантининг энг ўткир томони эди. Жамила ҳам бу жиҳатдан рус классиги Островский яратган Катерина образидан қолишмайди. Жамила фанатизм ва зулмат авж олган Шарқда адолатсизлик ва таҳқирга қарши исён гулхагидек ловуллаб ёнди. Унинг фожияси кучсизлик эмас, ғазаб олови, курашнинг шу шароитга хос шакли эди.

«Бой ила хизматчи» классик трагедия сифатида тенденциоз фалсафий фикрларга бой бўлса, «Майсаранинг иши» типик комедия сифатида ҳаётини афористик деталларни, тил хазинасининг ажойиб бойликларини намоён

қилади. «Майсара»нинг сюжети кўп халқларда учрайдиган кўчма фабула бўлса ҳам, Ҳамза маҳорати, унинг ҳар бир масалага тиниқ интимоний қарши, халқ тили ва психологиясини гоёт чуқур билиши натижасида, мутлақо оригинал ва ўлмас комедия майдонга келган.

Бу икки асар драматургиямизда трагедия ва комедия жанрлари ривожини учун ўрнатилган андоза, ҳозирда ҳам битмас-туганмас манба, мактаб бўлиб келмоқда.

Ҳамза драматургияси адабиётда замонавийлик намунасидир. У ўз даврининг барча муҳим воқеаларини ҳозиржавоблик билан акс эттиради. «Заҳарли ҳаёт», «Тухматчилар жазоси», «Паранжи сирлари», «Фаргона фожиялари»,

«Ер ислоҳоти», «Бурунги сайловлар», «Хена инқилоби» — бу драматик асарларнинг фақат сарлавҳаларига диққат қилсангиз ҳам халқимиз ҳаётининг Улуғ Октябрь билан боғлиқ бўлган барча муҳим социал воқеалари эсга тушади. Ўша вақтда театр ва драматургиядек янги, мураккаб ва катта санъат қуролини такомиллаштириш билан бирга, уни бевосита революцион халқ ишига бўйсундириш — Ҳамза Ҳакимзоданнинг мислсиз тарихий хизмати эди.

Буюк Октябрь арафасида Ҳамзадек сиймонинг адабий-сиёсий кураш майдонига кириб келиши ўзбек халқи революцион онгининг етилганлигини кўрсатар эди.

«Келди очилур чоғинг...»



Рассом А. Циглицев.

## ШОИР

## УИГУН

Ўзбекистон халқ шоири,  
Ҳамза мукофоти лауреати

Ҳамза инқилоб куйчиси.

У инқилобий жанглари ўз кўзи билан кўрган, ўз бошидан кечирган, инқилоб қаҳрамонлари билан бирга нафас олган, бирга жанг қилган жанговар шоир. У ўз асарларида минг йилларнинг оҳу ноласини, қаҳру ғазабини, орзу-умидларини тараннум қилди. Унинг асарларида Жамилаларнинг фожияси, фарёди, Ғафурларнинг қасоскор наъралари барала эшитилди. Унинг оташин шеъри, шиборлари меҳнаткаш инсонни озодлик сари ундади.

Ҳамза ўзбек совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет ёзувчиларининг биринчиларидан, қалдирғочларидан эди.

Ўзбек совет адабиёти энди яралиб келаётган,

ҳали батамом оёққа туриб улгурмаган, ҳали ўзбек совет адабиётининг намояндалари жуда оз бўлган, ҳаёт адабиёт олдига жуда кўп, мураккаб муаммолар қўйган бир даврда Ҳамзанинг елкасига жуда мўл, жуда натта шарафли вазифалар юкланди. Ҳамза эса тарих ва жамиятимиз томонидан ўз зиммасига юклатилган мураккаб вазифаларни моҳирлик билан, шараф билан адо этди. Шунинг учун ҳам у маданиятимиз тарихида ҳам ўқитувчи, ҳам маорифчи, ҳам мураббий, ҳам бастанор, ҳам шоир, ҳам драматург, ҳам режиссёр, ҳам буюк сибсатдон, атоқли жамоат арбоби бўлиб қолди.

Ҳамза ҳаёт ошиги эди. У доим бир ерда истикомат қилишни, кабинетида қамалиб ўтиришни ёмон кўрар, доимо ўлкани кезишни, халқ орасида бўлишни, халқнинг бунёдкор ишларига аралашини, халқнинг фикри зикрини, орзу-тиланларини ўз қулоғи билан эшитишни, халқнинг ҳамсуҳбати бўлишни, мамлакатда юз бераётган оламшумул ишларни, нурилишларни, ўзгаришларни ўз кўзи билан кўришни ва шу ўлкамизнинг қиёфасини тамом ўзгариётган буюк ишларга ўзи иштирок қилишни яхши кўрарди. Уни гоҳ Тошкентда, гоҳ Хоразмда, гоҳ Самарқандда, гоҳ Қўқонда, гоҳ Андижонда, гоҳ Шохимардонда кўриш мумкин эди. Шу юришлар, шу учрашувлар, шу юмушлар натижасида, ҳаётинг илҳом билан ёзилган шеърлар халқнинг юрагига бетўхтов йўл топа олар эди. Ҳамзанинг шеъринг ижоди бой, ширали,

ранг-баранг, кўп қиррали, унинг ифода кучи зўр.

Шоир янги ҳаёт қуриш — коммунизм ишларига астойдил, бутун имконияти, бутун қобилияти, бутун илҳоми билан киришди. Унинг фикри теран, қалби оташин, қалами ўткир, илҳоми жўшқин эди. У сўнги дамга қадар жанговар қаламини қўлидан қўймади. У янги ҳаёт йўлида, чўллarga сув, саҳроларга чирой, боғларга шарбат, чаманларга гул бериш учун олиб борилаётган жангларда, жанговар асарлардай ўз постида ҳалок бўлди. Уни ўлдирганлардан, қора ниятили ёзувлардан, парпираб чиқиб келаётган, оламга эзгу нур соча бошлаган инқилоб кўшини тўсмоқчи бўлган кўршапалалар, ўтмишинг ахлатларидан ному нишон қолмади. Аммо Ҳамза тирик! Унинг муқаддас номи халқимизнинг тилида! Унинг муқаббати халқимизнинг дилида. Минглаб ёш авлод ўқийдиган мактабларда, мингларча замондошларимиз яшайдиган ажойиб нуҳларда унинг номи бор. Колхозлар, совхозлар, хиббонлар, боғлар, қишлоқлар унинг номи билан аталади. Унинг китоби халқимизнинг қўлида!

Замонамизнинг улуг, энг табаррук шоирлари қаторида Ҳамзамизнинг асарлари ҳам озодликнинг, дўстликнинг, тенгликнинг, қардошликнинг, ижодий меҳнатнинг, бахту тоънинг, янги дунёнинг, ҳақиқат тантанасининг эзгу ифодаси Ҳамза абадул-абад янграб туражак.



Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ҳузурнда.

Рассом А. ЦИГЛИНЦЕВ.

# ЖУРНАЛИСТ

Мақсуд ҚОРИЕВ,

«Совет Ўзбекистони» газетасининг  
муҳаррири

«Бу бидъат ва мажусиятлар «бидъат, урф, урф» деб қонимизга сингишиб, гўё ота-бободан бизга мерос қолган каби бўлиб кўринадур. Бундан сўнгра яна «урф», «урф» дегувсан, истиқболда булар ёнига яна бир нечалари қўшилиб, биздан кейин келадургон авлодларимизга кўпроқ мерослар қоладурми?.. Узимизнинг бидъатларга мубало бўлгонимиз етар».

Бу сатрлар Ҳамза Ҳакимзода қаламига мансубдир. 1914 йил 20 майда «Садойи Туркистон» газетасида босилган «Бидъати мажусияти?» сарлавҳали бу публицистик очерки зулм, ҳақсизлик, истибод, саводсизлик, диний ақидалар исқанжасида узоқ йиллар азоб-уқубат чекиб келаятган авом халқнинг кўзини очиш, уларни ҳақиқат нуридан баҳраманд бўлишларига ёрдам беришни кўзда тутди. Бу сатрлар Ҳамзанинг қоронғиликка, бидъатга қарши маърифат, ёруғ ҳаёт учун инқилобга қадар ҳам қатъият билан курашганлигидан, халқпарварлигидан далolat беради.

Ҳамза ҳаммиса олга интиладиган, оммани зиёга, ёруғликка олиб чиқиш йўллари ахтарган прогрессив журналистдир.

Ҳамзанинг қалами ўттир, ёзган нарсаларининг мавзуй бой. Журналистнинг турли жанрларида зўр маҳорат, эҳтирос билан ёзган очерк, мақола, фельетонлари халқ ҳаёти, орзулари билан боғлиқ кетгандир. «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 10 август сониде ёзган «Фақирлик нимадан иборат», «Садойи Фарғона»нинг 24 сентябрь сонидеги «Биз ва жамоа байрамимиз» ёки «Муаллим афандиларимиз ва улуг режаларимиз» (25 сентябрь) каби бошқа бир қатор мақолаларида халқ бахт-саодати, келажиги, маърифати ҳақида зўр эҳтирос билан кўйиниб ёзади.

Кураш тарихимизга назар ташлаб, оловли йилларнинг гувоҳи бўлган, саргайиб кетган газета, журналлар саҳифа-

ларини варақлар эканмиз, Ҳамзанинг замон нафаси билан сугорилган шеърлари, пьесалари, ҳажвийлари билан бир қаторда унинг оташин публицистик мақолалари, фельетонлари, очеркларига кўзимиз тушади. Зероки, Ҳамзанинг журналистик фаолияти унинг революцион, жўшқин адабий ҳаёти билан, ташкилотчилик ишлари билан бениҳоя уйғунлашиб кетгандир.

Кўриб турибмизки, Ҳамзанинг маърифати кенг тарғиб қилувчи журналистик фаолияти Октябрь инқилобига қадар «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», ўзи ташкил этган ва муҳаррирлик қилган «Кенгаш» журналида кенг қулоч ёйган бўлса, Улуг Октябрь революциясидан кейин эса яна ҳам янги куч, янги мазмун кашф этди. Улуг Октябрь Ҳамзанинг адабий ижоди учун ҳам, журналистик фаолияти учун ҳам янги саҳифа очиб берди. Улуг Октябрь меваси бўлган янги большевик газеталар «Иштирокию» («Коммунист»), «Қизил байроқ», «Туркистон», «Янги Фарғона» ва бошқа вақтли матбуот саҳифаларида улуг революциямиз гоъялари билан сугорилган, халқни улуг Ватанга ва янги замонага садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган мақолалари мунтазам равишда босилиб турди. «Муштум» журналида эса Ҳамзанинг ҳажвий шеърлари билан бирга ўткир фельетонлари кенг ўрин олди.

Биз журналистлар, Ҳамзанинг кўп қиррали ижодида тан берамиз, унинг катта маданий меросини қўнт билан ўрганамиз.

## ЭСДАЛИКЛАР

19-йил эди. У маҳал ўсмир боламан, янги ташкил бўлган театр биноси олдида ўтиб қолдим. Ичкаридан танбур, гижжак овози эшитилиб турарди.

Артистларни кўргим келди. Қоровулга учрашувдим, қўймади, «Ҳамза ака жаҳли тез одам!» деди. Иккинчи куни келиб «Хоналарни супуриб, сизга қарашиб юрсам майлими?» дедим. «Майли,— деди қоровул,— супурадиган одам ҳам йўқ эди».

Мен эрта-кеч келиб, артистлар машқ ўтказадиган хонани супуриб кетадиган бўлдим. Кейин-кейин, бир бурчақда ўтириб, уларнинг репетициясини томоша қила бошладим.

Ҳамза ака ҳақиқатан ҳам жаҳли тез, жуда қатъий, ишчан одам экан. Ўзи қотма, ҳаракатчан. Гоҳ пианино чалиб, ашулани ўзи айтиб кўрсатади, гоҳ артистларга узоқ гап ўқитиб кетади...

Бир куни Ҳамза ака хоналарни ким супураётганига қизиқибди. Қоровулдан мени сўрабди. «Бир бола, ҳаваси бор экан, қатнаб юрибди», дебди у. «Чақиринг!» дебди Ҳамза ака.

Қоровул мени чақириб келди.

— Сенми?— дедилар менга.

— Ҳа,— дедим.

— Нима қилиб юрисан?

— Ўзим...

— Юр бу ёққа.

Хонага бошлаб кириб, сўроқ қилдилар:

— Ҳар куни қатнайсанми?

— Ҳа,— дедим.

— Ҳм... отанг ким, шўролар тарафидами, эскими?

— Эскироқ.

— Сен қўймайди-да, ундай бўлса?

— Мен қочиб келаман.

— Дуруст. Агар қочиб келолсанг, демак артист бўласан!

Шундай қилиб, мен репетицияларга қатнаша бошладим.

Уч-тўрт ҳафтадан кейин, менга «Фарғона фожиаси» пьесасидан чилим тутадиган хизматкор бола ролини бердилар...

Ҳамза ака билан биринчи учраганим, биринчи ўйнаган ролим шу...

# БИРИНЧИ РОЛЬ

Обид ҲАСАНОВ,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган  
артист

## ПЕДАГОГ

**З. МИРТУРСУНОВ,**  
педагогика фанлари кандидати

Ҳамза Ҳакимзода буюк шоир ва драматург бўлиш билан бирга, ўз даврининг прогрессив педагоги, янги ўқув системасига асос солган устоз мураббий ҳам бўлган. Биз ўқитувчилар унинг педагогик фаолиятини ҳамон катта эътибор билан ўрганмоқдамиз.

Ҳамза Ҳакимзода ўқитувчилик фаолиятини 1911—1912 йилларда бошлади ва умрининг охиригача шу касбнинг содиқ ихлосманди бўлиб қолди. Эскидан давом этиб келаётган—«усули қадимия»га, XX асрнинг бошларида пайдо бўлган «жадид мактаблари»нинг тарбия системаси, таълим-тарбия ишларининг мазмуни ва усулига қарши ошқор қураш билан майдонга чиқди. У биринчи навбатда, дин аҳли ва маҳаллий буржуазия мафкурачиларининг бола камолотини унинг зотиға, насл-насабига боғлиқ деб қарашларига ҳақшатиқ зарба берди.

«...Бизнинг диёримизда... етим ва

фақирлар мактаблари йўқ учун... заковатли ва фаросатда биринчи даражада файласуфи замон бўлиб чиқадиган биргина эмас, балки миллионлаб фақир авлодларимизни илм-маърифатдан маҳрум қолдирмоғимиз шоят... хотирамиздан бир ўтса эди»... деб ёзган эди у. Чор ҳукумати амалдорлари, дин аҳли ва маҳаллий буржуа мафкурачиларининг қаттиқ қаршилигига қарамай, Ҳамза 1911—1912 йилларда ўлкада биринчи бўлиб янги типдаги, табақасиз ўзбек халқ мактабларини очишга муваффақ бўлди. У прогрессив рус педагоглари-нинг илгор педагогик назарияларига амал қилган ҳолда, янги типдаги халқ мактаблари таълимини том маъноси билан синф-дарс системаси асосида ташкил қилди, таълимнинг мазмунини тубдан ўзгартирди, дунёвий фанлар ўқи-тишни жорий қилди. Янги ўқиш методларидан фойдаланди. Халқ мактаблари учун «Енгил адабиёт», «Ўқиниш

## БАСТАКОР

**Ф. КАРОМАТОВ,**  
санъатшўнослик фанлари кандидати

Ҳамза Ҳакимзода миллий музика маданиятимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган санъаткор, биринчи ўзбек революцион қўшиқларини яратган бастакор ҳамдир.

Ҳамза учун қўшиқ жанри илгор гоиларни тарғиб қилишда кучли воситалардан бири эди; у амалдор, бой ва руҳонийларнинг кирдикорларини фош этувчи шеърларини ҳам халқ қўшиқларига мослаб яратди, «Миллий ашулалар учун

миллий шеърлар» деган кўп жилдли тўпламини нашр эттирди.

1915—1919 йилларда нашр этилган саккиз қисмдан иборат бу тўплам Ҳамзанинги қўшиқ соҳасидаги ижодиётининг шаклланиши, унинг ўзбек музика ва поэтик фольклори билан қаттиқ боғланганлиги, халқ куйларига янги шеърлар яратиш услуби, текст билан куй бир бутунлигини таъмин этиши ва янги-дан-янги куйлар яратиш йўлидаги ижодий ютуқларини агрофлича тасаввур этишга имкон беради.

«Миллий ашулалар» тўпламининг ҳар бир қисми гуллар номи билан: «Оқ гул», «Сариқ гул», «Савсар гул», «Пушти гул», «Атир гул» деб аталганлигининг ўзи ҳам шонрининг бу соҳага астойдил меҳр билан киришганини кўрсатади.

«Миллий ашулалар» тўпламининг биринчи ва еттинчи қисмларидаги шеърлар халқ куйларида айтилиши мўлжаллаб ёзилган бўлса, саккизинчи қисм — «Атир гул»да шоир Улуғ Октябрь ғалабасини куйловчи, совет тузumi душманларига қарши кескин курашга даъват этувчи, социалистик қурилишдаги меҳнат самараларини таранум этувчи шеърлари учун халқ куйларини қўллаш билангина чегараланмай, ўзбек халқ музикасининг хусусиятларига асосланган янги интонациялар, тасвирий воситалар, айниқса рус революцион қўшиқлари ва бошқа қардош халқларнинг бу соҳада эришган ютуқларидан фойдаланиб, янги куйлар яратди; буларнинг кўпиди ўзбек халқ музикаси учун янги бўлган тасвирий воситалар шу даражада узвий боғланганки, бундай қўшиқларда гоҳо Ҳамза куйини халқ куйларидан ажратиб қийин. «Ишчилар, уйғон», «Мотам кўни» кабилар шулар жумласидандир. «Яна, Шўро», «Ҳой ишчилар», «Ишчи бобо» каби қўшиқларда эса ўзбек халқ музикасига

хос мелодик ривож услуби ўзгартирилгани, янги интонациялардан дадил фойдаланилгани, лекин шу билан бирга, миллий руҳ барқ уриб турганини кўра-миз. Ҳамза марш («Уйғонмоқ даврида») ва вальс («Ишчи бобо», «Ҳой ишчилар») услубида яратган куйларида ўзбек музикасига янги жанрлар ва бу жанрларга хос янги хусусиятларни биринчи бўлиб олиб кирди.

Умуман, Ҳамза ўзбек музикасининг миллий рамкалари билан чегараланиб қолмай, қардош халқлар музикасига хос тасвирий воситалардан ҳам ижодий фойдаланиб, уларни ўзбек халқ мелодик хусусиятлари билан узвий боғлаб, бир-бирига синдира олиши натижасида халқчил, замонавий қўшиқлар яратишга муваффақ бўлди, ўзбек совет қўшиқлари услубини ва ривожланиш йўлларини амалий равишда аниқлаб берди.

Ўзбек композиторлари Ҳамза қўшиқларини ўрганиш ва унинг ижодий таърибларидан сабоқ олиш билан бирга, бу қўшиқларни овоз ва фортепиано, хор, симфоник оркестр ва турли ансамбллар учун мослаштириб, кенг пропаганда қилишда ҳам катта ташаббус кўрсатдилар; ўзларининг энг яхши асарларида аниқ гоёвий-эмоционал туйғуни мукамалроқ ифодалашда Ҳамза куйларидан фойдаландилар.

Ҳамзанинги жанговар образи Ўзбекистон композиторларининг кўпгина асарларида яққол гавдаланди. Икром Акбаровнинг «Шоир хотираси», Дони Зокировнинг «Ҳамза» симфоник поэмаси, Собир Бобоевнинг «Ҳамза» операси шулар жумласидандир.

Ҳамза Ҳакимзода халқлар музикасига бўлган кескин муҳаббати ва у яратган қўшиқлардаги революцион услуб совет композиторлари ва, умуман, музика маданияти арбоблари учун илҳомбахш намунадир.

китоби», «Қироат китоби» ва бошқа ўқув қўлланмалари яратди.

«Енгил адабиётга» ёзилган шеърлари ҳам унинг янгича ўқитиш программасини аниқ белгилайди:

Илм бўлса—боғимиз,  
Энг суянган тоғимиз,  
Кетиб, кўнгиб соф бўлур,  
Зангу дарду доғимиз.  
Олим бўлсак дунёда,  
Келур ҳар иш бунёда.  
Биз ҳам сув остин кезиб,  
Ҳам учармиз ҳавода.  
Олим бўлсак булармиз,  
Яхши ҳаёт қураимиз.  
Дунёда энг роҳатда  
Йибаб умр сурармиз!

Бу асарлар дарсликка методологик йўлланма бериш билан бирга, болалар адабиётининг сара намунаси эди. Бу билан шоир ва педагог ўзбек болалар адабиётига ҳам асос солди, унинг бар-

ча жанрларини яратди. Шоирнинг кейинги дарслиги «Ахлоқий ҳикоялар» одоб, тарбия принципларини баён этиб, янги мактаб ўқувчисининг образини яратди.

«Ўқиш китоби», «Қироат китоби» дарсликлари болалар прозасининг ҳам бой намунасидир. Уларда автор классик сюжетлардан, зарбулмасалардан кенг фойдаланади. Бу илоҳий, диний бидъатлардан холи, ёрқин, янги маърифат қўлланмаси эди. Хурофот ва миллий маҳдудлик авж олган у даврда, қаттиқ синфий кураш шароитида бу халқчил таълим-тарбия методларини олдинга суриш катта жасорат эди. Ҳамза Ҳакимзоданинг педагог сифатидаги тарихий хизмати ҳам шунда. У тиниб-тинчимас ташкилотчи, янги таълим-тарбия тармоқларининг дадил мутасаддиси, нўрғун жарчис эди. Унинг ажойиб мураббийлик фаолияти биз учун ҳаминша намунадир.

## РЕЖИССЁР

Раззоқ ҲАМРОЕВ,  
СССР халқ артисти

Ҳамза Ҳакимзода Нийзийни ёзувчилар, драматурглар, композиторлар нақадар фахрланиб устозимиз деса, биз, режиссёрлар ҳам устозимиз деб фахрланамиз. Зероки, биринчи бор профессионал режиссура китобини varaқлаган ва унга биринчи бор янги саҳифалар битган Ҳамза Ҳакимзода ўзбек совет театри тарихида катта из қолдирди. Менга Ҳамза Ҳакимзода билан ҳамсуҳбат бўлиш бахти муяссар бўлмаган, ёш бўлганимиз ва санъатга кейинроқ кириб келганимиз. Аммо, у билан ҳамсуҳбат бўлган, бирга саҳнада ўйнаган Ўзбекистон халқ артисти Миршохид Мироқилов, СССР халқ артисти Лутфиҳоним Саримсоқова каби муҳтарам кишиларнинг ҳикояларини эшитганимиз, ўққанамиз.

Наманганда 1918—20—25-йилларда театр тўғараги ташкил қилиб, Ҳамзанинг қатор пьесаларида ўйнаганлардан Низомбоев, Холиқуллов каби ўша вақтдаги ташаббускорларнинг ҳикояларини эшитганман. Ҳамза Ҳакимзода ўзининг «Тухматчилар жазоси», «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирлари» каби пьесаларига ўзи режиссёрлик қилиб саҳнага қўйганга қадар, ҳаваскорларга етакчилик қиладиган режиссёр бўлмаган экан. Турли соҳада ишловчи бу кишилар тўпланишиб ролларни тақсим этганлари, эртасига эълон чиқариб ўйнай берганлар. Суфлёр (ҳозир театрларимизда фақат кузатувчи бўлиб қолган киши) асосий ҳал қилувчи фигура бўлган. У суфлёр буткасида ўтириб, пьесани сўма-сўз ўқийди-ю, саҳнадаги артист уни тўти қўшдек такрорлайди. Ишқидай бир ҳикояни эшитганман: суфлёр аяшдиб, ўйналиши керак бўлган пьеса қилиб бошқасини олиб чиқибди. Парда очиб, саҳнада артист халққа қараб намойишкорона турибди. Суфлёр билан артист ўртасидаги тубандаги диалогни зални тўлдириб ўтирган халқ эшитган:

СУФЛЁР — Эй, вой чатоқ...

Артист — Эй, вой чатоқ...

СУФЛЁР — Бошқа пьесани олиб чиқибман, гапирмай тур, каллаварам?

Артист — (қўлларини паҳса қилиб, баланд овозда) Бошқа пьесани олиб чиқибман, гапирмай тур, каллаварам!

СУФЛЁР — (Йиғламсираб) Шарманда бўлди, пардани ёнглари!

Артист — (ҳўнграб йиглаб) Шарманда бўлди, пардани ёнглари!

Мен бу бўлган воқеани эслабди ўтишимнинг боиси бор. Устозимиз Ҳамза Ҳакимзода Ўзбекистонда биринчи бўлиб, режиссёрнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини аниқлаб берди. Реалистик спектаклларга асос солди. Ҳар бир артистнинг образга кириши учун зарур бўлган алифболарни ўргатди. Артистга характер нима, унинг саҳнадаги вазифаси нима, партнёри билан муносабати, асарнинг гоёсини ечишида унинг тутган ўрни, чизигини белгилаб берди.

## Ҳамза қардошлар ҳаётида

«Владимир Маяковский, Демьян Бедный ва революция шарафи билан майдонга чиққан бошқа улкан шоирлар рус поэзиясида новаторлик йўлларини излаган ўша тарихий даврда Ҳамза ўзининг миллий адабиётида ана шу йўлларга дадиллик билан асос сола олмади...

Биз, шеърятда ислоҳот ясаган, халқнинг жўшқин революцион интилишлари жуда соз тараннум этиладиган янги шеърый усулларни яратган шоир олида қўлуқ қиламас...

Совет мамлакатининг барча халқлари унинг тусолида ҳозирги авлод учунгина эмас, балки келгуси авлодлар учун ҳам ажойиб ибратни кўриб турибдилар».

Николай ТИХОНОВ.

«Ҳамзани эслар эканман, хотирамда машҳур халқ арбоби, революционер ёзувчи, шоир ва драматург, халқ муаллими ва жамиятнинг тоғмас жонкуяри Иван Франко образи намён бўлади. Бири Ўзбекистонда, бири Ураинида яшаган бу шоирларнинг қалби халқ бахти учун курашнинг рўҳлантирувчи олови билан ёниқдир».

ИВАН ЛЕ.

«Ешлик чоғларимда рус, тожик революцион кўшиқлари қаторида ўзбек кўшиқларини, айниқса Ҳамза Ҳакимзоданинг «Ишчилар, уйғон!», «Хой-хой отамиз» кўшиқларини жон-дилимиз билан куйлар эдик. Биз ёш тожик қаламашлари учун Маяковский, Айний асарлари нақадар азиз бўлса, Ҳамза асарлари ҳам шу қадар мўътабар эди...

Ўзбек театрининг асарлари менда катта таассурот қолдирарди. Бу пьесаларнинг икюдиори революция куйчиси Ҳамза Ҳакимзода бўлиб, улар кейин тожикчага ҳам таржима қилинди. Бизнинг ёш тожик драма театримиз бу ажойиб асарларни саҳнага қўйди, тожик артистлари бу спентакларда ўйнаб ўз маҳоратларини оширдилар. Шу жиҳатдан, Ҳамза Ҳакимзода тожик совет драматургиясининг ҳам асосчиларидан ҳисобланади».

Мирзо ТУРСУНЗОДА.

«Мен Ҳамзанинг ёрқин таланти, эстетик ва ватандошлик идеалларининг мусаффо ва ўзига хослигини таъкидлайман. Ҳамза революцион новаторлигининг илдилари ўзбек халқининг ўзига хос гузал, фусундор ва қадимий маданияти заминидан озиқланади. Биз ҳозир ҳам Ҳамзадан халқнинг ўлмас традицияларидан фойдаланишни, умуминсоний ва интернационал ҳодисаларни миллий нолоритда тасвирлашни урганишимиз керак».

Мирзо ИБРОҲИМОВ.

«Бизнинг классикларимиз, XIX асрдаги илғор мутафаккирларимиз икюдий изланишларини илғор рус классик адабиётининг энг яхши традициялари билан яқинлаштиришни ўзларининг тарихий вазифалари деб билган эдилар. Абовян, Чавчавадзе, Охундов, Хетагуров, Абай, Тўқай, Айний ва Ҳамза шундай қилишган эди».

Мухтор АВЕЗОВ.

«Ҳамза Ҳакимзода туркман халқининг ҳам севилиги фарзандидир. Унинг ҳаяжонли пьесаси «Бой ила хизматчи» туркман Давлат театри саҳнасида нўп йиллардан бери қўйилиб, мингларча томошабинларни инсонга муҳаббат рўҳида тарбиялаб келмоқда».

Берди КЕРБОБОВ.



# Қурувчилик-фахрли касб

Суннат ИБРОҲИМОВ,

Ўзбекистон ССР Қурилиш министри

**О**та-боболаримиз: «Бир туп тоқ эсанг, бир туп тол эк» деб ўғит қилишган. Халқимиз қадим-қадимдан уста меъмор, таъби хуш, ободонлик орусини дилида ардоқлаган халқдир. Ақдоқларимиз кишини лол қолдирувчи ношоналар, иншоотлар бунёд қилишган. Лекин меҳнаткаш эл бу мухташам биналар, ободонликлардан наф кўрмас, қашшоқликда ҳаёт нечирар эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабни кунларидаёқ революция доҳийси В. И. Ленин имзо чеккан тарихий Директ билан Мирзачўлдаги сув иншоотлари қурилишига 50 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу қишлоқларимиз ободончилигининг ҳам бош малбаи бўлди. Биринчи беш йилликлар даврида қурувчиларимиз граждандар уруши туйфайли вайрон бўлган завод, фабрика ва транспортни қайта тикладигар, янги sanoat қорхоналари, электростанциялар қурдилар. Граждандар уруши йилларидаёқ Ўзбекистонда кичик қурилишлар учун 8 миллион сўм маблағ сарфланди. Биринчи беш йилликда эса қурилиш-монтаж ишларига 25 миллион сўм ажратилди. Республикада қурилиш ишлари кўлами борган сайин кенг қулоч ёзди: 1960 йилда қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми — 438 миллион сўмга, 1967 йили эса 1,1 миллиард сўмга етди. Маълумки, цемент қурилишнинг асосий материалidir. 1967 йилда цемент ишлаб чиқариш 2,7 миллион тоннага етди. Бу — 1928 йилдаги қараганда 130 марта кўп.

Партия ва ҳукуматимиз қурилиш механизациясига алоҳида аҳамият бераётди. Механизация шарафати билан бутун бошли шаҳарлар қад кўтармонда, қурилиш ишларининг ҳажми тобора ортмонда. Иттифоқимизда қурилиш-монтаж ишларининг кўлами йилга 6—8 процент ўсаётди, Ўзбекистонда бу ишининг кўлами 15 процентдан ошиб тушаётди. Бу ҳол тезкор қурувчиларимизнинг қурилиш-монтаж ишларида ҳозирги замон механизация қўлайликларидан кенг фойдаланаётганликларини кўрсатади. Кейинги йилларда республиканда sanoat, турар жой, маданий-маиший биналарни қуриш учун қудратли ишлаб чиқариш базаси яратилди.

Министрлигимиз қорхоналари фақат бизга қарашли трестларига эмас, балки Қишлоқ қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой» ва шунга ўхшаш йирки ташкилотларни ҳам темир-бетон қурилмалари, турли материаллар билан таъминлаб туради. «Главстройиндустрия» заводлари ва sanoat қорхоналари трестлари йилга 1 миллион 300 минг кубометр темир-бетон қурилмаларини ишлаб чиқараётди. Бундай кўрсаткичлар ишимизнинг фақат сон жиҳатинанга эмас, сифат жиҳатини ҳам таъминлаб турибди. Бусиз, замонавий sanoat қорхоналари, турар жой ҳамда маданий-маиший биналар қурилиши тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, босимли қувурлар ва электр узатиш тармоқлари учун жипсланган устунлар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилди. Бу йил «Главстройиндустрия»нинг механизациялашган конлари ҳамда майдалаш-саралаш заводларида маъдансиз хом ашё ишлаб чиқариш ўтган йилдагига кўра 4 баравар ошди. Дераза ва эшик блоклари тайёрлаш эса бир йилда 7 баравар ўсди.

Министрлик ихтиёрида йилга 350 минг квадрат-метр турар жой биналари қуриш қувватига эга бўлган 9 уй-жой қуриш комбинати бор. Фойдаланишга топширилаётган жойларнинг қарийб 48 проценти сифатли йирки панелдан қурилган.

Бу йил ишлаб чиқариш базаларини яна ўстириш ниятда 37 миллион сўм ҳажмида капитал қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Чирчиқдаги қурилиш материаллари комбинатининг керамзит-бетон панеллар ишлаб чиқариш цехининг иккинчи навбати, Самарқандда эшик ва дераза блоклари ясайдиган цех, Эйвалеқда йилга 1 миллион кубометр маъдансиз материаллар етказиб берадиган майдалаш-саралаш заводи қурилиб битказилди. Йилга 60 минг кубометр ҳажмида темир-бетон қувурлар, 100 минг кубометр ҳажмида йигма темир-бетон қурилмалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда Оҳангарон шаҳрида йилга 80 минг квадрат-метр уй-жой кура оладиган комбинат барпо этилаётди.

Министрликка қарашли ташкилотларда кучли ишлаб чиқариш базалари вужудга келганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми йилдан-йилга ўсиб боради. Утган 10 йил мобайнида 600 sanoat объекти, 190 минг ўринли мактаб биналари ва 38,7 минг ўринли болалар муассасалари ҳамда қатор

маданий-маиший хизмат кўрсатиш биналари фойдаланишга топширилди.

Сўнги йилларда министрликка қарашли қорхоналар мунамавал техникалаштирилди. Бу эса барча объектларда қурилиш ишларининг тез ва соз боришига сабаб бўлаётди. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишлари қизитиб юборилди. Кўпгина янги сув тармоқлари қурилиб, йўллар асфальтланаётди. Қисқа муддат ичида 4300 километрлик водопровод қувурлари ётқизилди. Натижада Хива, Тўртқўл, Гурлан, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Чўст, Шўрчи ва бошқа шаҳар ҳамда район марказлари водопровод сувидан баҳраманд бўлаётди. Бухоро, Нукус, Самарқанд, Фаргона, Наманган, Андижон шаҳарларида канализация қурилиши битай деб қолди.

Министрликка қарашли ташкилот ва қорхоналарда 53 минг ишчи, 12 минг инженер-техник баранали билан мунофотлади. Минглаб ишчиларимиз иш нормаларини ортиги билан удаламоқда.

Ҳинда ҳукуматимиз қурувчиларимизнинг катта бир гурупасини СССР орден ва медаллари билан мунофотлади. Бу Коммунистик партия ва давлатимизнинг буюк ғамхўрлигидир.

Қурувчиларимиз орасидан лигандан-янги меҳнат зарбдорлари, ўз ишининг аъло мутахассислари етишиб чиқмоқда. Уларнинг номи элга таниш. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Низом Ғоziқулов, Табарруқ Турдалиев, Турсун Қаюмов, Абдулла Воҳидов, Саттор Хўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Санад Раҳматов, Яков Раствабуров, Тожибой Усмонов, Иброҳим Исмоилов, Саттор Мирзаалиев, Халил Оқатлов, Рамазон Мирзақулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари Салимбой Ниёзматов, Соли Сафаров, В. М. Григорьева ўртоқлар шулар жумласидандир.

Қурувчилар ўртасида социалистик мусобақа авж олган. Ҳозирги кунда 520 коммунистик меҳнат бригадаси, 5328 коммунистик меҳнат зарбдори бор. Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаларида «Ўзбекшохтострой», Фарғонадаги 14, Чирчиқдаги 160-трестлар ҳамда «Ташобтранспецстрой» ишчилари бир неча бор мусобақада галиб чиқдилар.

Кейинги йилларда инженер-техник ходимларимиз, қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари ускуна ва манбалардан тежамли фойдаланишга катта эътибор беришляпти. Натижада махсуслотчимизнинг таннархи анча арзонлашди. Утган йили 1.160 минг сўм пландан ташқари фойда келди. Бу кўрсаткични янада оширамиз. Ҳали умумий ишимизда бир қатор қийинчиликлар турибди. Утган йили министрлигимиз айрим соҳаларда белгиланган плани бажара олмади. 25 sanoat объекти оқсаб қолди. Турар жой, мактабгача болалар муассасалари ва соғлиқни сақлаш биналаридан баъзилари ўз вақтида фойдаланишга топширилмади. Қурилиш машиналари ва механизмлари асосан бир смеида ишляпти. Аниқроқ қилиб айтганда, кўтарма иранларимизнинг 30 процентигина икки смеида ишлямоқда. Галдаги вазиғамиз — қурилиш машиналари паркиннинг икки смеида, энг муҳим участкаларда эса уч смеида ишляшига эришишдир.

Доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида қурувчиларимиз ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилиш пайида бўлмоқдалар. Бу соҳада қатор чора-тадбирларни амалга ошираётимиз. Министрлигимиз ўнлаб йирки sanoat ва ишлаб чиқариш муассасаларини қаранатга келтиради. Айниқса, Олмалиқда қурилагаётган нимё заводи республиканинги йирки қурилишларидан бири саналади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бу қурилиш умумхалқ қурилиши, деб атади. Пахтачилик учун фосфор ўғитлари етказиб беришчи бу қорхона бир йилнинг ўзида қурилади. Келгуси йили Чирчиқ шаҳрида «Ташселимш» заводи филиалининг 2 нуруси қуриб битказилади. Юн ташувчи тракторлар тайёрлаш яна кўпаяди. Қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш ортди, қурилиш материалларининг сифати оширилади, турар жой ва маданий-маиший биналар қуриш суръати тезлашди. Қурувчиларимиз бу йилги планини нечи билан денабр ойида бажармоқчи.

Қурувчилик—фахрли, халқ хурматига сазовор насб. Биз коммунизм қурувчи халқ фарзандлари, унинг меҳнат фронтидаги авангардимиз. Касбимиз шарафини юксак ва мусаффо сақлаш учун кучимизни аямаямиз.

# ЁШЛИК ЧОҒИМ — ОЛТИН ЧОҒИМ

Тошкентимиз энг йирик шаҳарлар сафига киради. Унда қарий ярим миллион ўғил-қиз ажойиб, қувноқ ёшлик армиясини ташкил этади. Ишчи ва ўқувчи комсомоллар минглаб бошланғич ташкилотлар теварагига уюшган. Бу авангард сафта ўз аризалари билан келаётган ёшлар тобора кўпаймоқда.

Суякли шаҳаримиз ёшлари бўш вақтларини қандай ўтказадилар, қандай дам оладилар? Ана шунга бир назар ташлайлик-чи.

Ленинчи ёшлар ташкилотининг эллик ёшлиги муносабати билан, партиямиз Марказий Комитети қўйидаги вазифани яна таъкидлади: «Партия ва комсомол ташкилотларининг муҳим бурчи — ёшларнинг коммунистик тарбияси масаласидир». Ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топшини жиддий давлат иши. Биз ҳар бир ишимизда, жумладан ёшларнинг бўш вақтларини яхши уюштиришда ҳам мана шуну ёдда тутамиз.

Мамлакатимизда иш куни ва иш ҳафта-си қисқарганига анча вақт бўлди. Энди янги-янги тадбирлар ўйлаш лозим, ҳафта-нинг икки кунини сервақ, сермазмон ўтказиш, янги-янги усуллари қилдириш зарур эди. Ана шу дам олиш кунлари ҳисобига оммавий-сиёсий ва маданий тадбирларнинг кўламини янада кенгайтирадикан, мазмунини чуқурлаштирадиган пайт келди. Комсомол ташкилотларининг бу соҳадаги режалари бойиб, ранг-баранг тус олмоқда. Театр, музей, кўрғазма ва киноларга жам бўлиб бориш одатга кирди. Қизиқ мавзуларда ўзаро баҳс ва мунозаралар, суҳбатлар, шаҳар ва республиканинг донгдор кишилари, ветеранлар билан учрашиб туриш режаларимизда катта ўрин олади. Айниқса, ёшларнинг ётоқхоналарида бундай тадбирларни ўтказиш яхши самара бераётди. Бўш вақтининг кўпайгани ётоқхона советларининг ёшлар билан чуқур мазмунли тарбиявий-ташқилий ишлар олиб боришида жуда қўл келди. Бунга мисол қилиб Тўқимачилик комбинати комсомол комитетининг ётоқхоналарда олиб бораётган ишларини кўрсатсак бўлади.

Шаҳар маданий-оқартув муассасалари, халқ ижодий уйлари ва Маданият саройлари ходимлари комсомол ташкилотларига

Э. УМАРОВ,  
Тошкент шаҳар комсомол комитетининг  
секретари

қўпгина тарбиявий ва ташқилий ишларни қўнгилли ўтказишда кўмақдош бўлмоқдалар. Улар бизга «Етуклик кун», «Авлодлар жасорати», «Нафосат кечалари»ни ташкил қилишга ёрдам беришляпти. Уларнинг ёрдами билан Маданият уйларида «Китобхонлик» ва «Халқаро дўстлик клуб»лари очилди.

Сўнгги икки йил мобайнида бадий ҳаваскорлик тўғралакери яна ҳам кўпайди. Тўғарак иштироқчиларининг санъаткорлик маҳорати ўсмоқда, улар орасидан профессионал санъаткорлар ҳам етишиб чиқаётди. Кўплари кўрикларда катта оқлишга сазовор бўлмоқда. «Ташавтомаш» бадий ҳаваскорларининг совет-мўғул ёшлари III фестивали кунларидаги чиқиши дўстларимизга ҳақиқий завқ бағишлади.

Ёшларни маданий-маърифий ишларга кўпроқ жалб қилиш учун шаҳримизда катта имкониятлар бор. 50 та шинам кутубхонанинг эшиклари ҳамиша очилди. Дохий Лениннинг муборак тўйига Ҳамза, Аркадий Гайдар, Максим Горький, Фурқат номли кутубхоналарда қизгин ҳозирлик кўриломоқда.

Пойтахтимизда бир неча юз минг ўғил-қиз жисмоний тарбия машғулотларига қатнашади. 10 стадион, 10 жойда комплекслашган спорт майдони, 358 баскетбол ва 603 волейбол майдончалари, 199 спортгимнастика зали, 12 сузиш ҳовузи ёшлар иштироқига ўтган йили спорт базаларининг ташаббуси билан VI Республика спартакиадаси, «Правда Востока» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталарининг мукофоти учун кросс, ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда ўрта мактабларнинг спартакиадалари ўтказилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси спорт шохобчаларини ҳозиргидан кўра анча кўпайтириш режаларини белгилаб берди. Келгуси йили шаҳримизда 10 минг ўринли янги стадион

қурилади. Бу стадион ҳузурида ўйлаб спорт заллари, майдончалар, бассейнлар бўлади.

Ҳар бир ўсмир бўш вақтини бирор фойдали машғулот билан ўтказишга одағланмоқда. Бўш вақтлар онг-билим ошириш, ўлкани ўрганиш, маънавий озиқ олиш, бадан тарбияси учун сарфланмоқда. Чунки коммунистик жамяят кишиси бўлиш — маънавий, ғоявий ва жисмоний жиҳатдан етук граждандар бўлишни талаб қилади.

Шаҳримизда ёшларнинг бўш вақтларини маънавий ўтказиш учун яхши имко-ният ва қўлбиллик билан бир қаторда, бирмунча камчиликлар ҳам бор. Кўпгина маданий-оқартув муассасалари ёшларни ўз теварагига уюштиришга етарли эътибор бермаяпти. Уларнинг иш услуби бир қадар эскирганга ўхшайди. Маданият саройларида ҳам барча имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Ижодий ходимлар, илгор кишилар билан учрашув кечалари баъзан қизиқарли ўтмайди, ёшлар ижоди кўрғазмаларини ташкил қилиш унутилиб қолаётди. Кўп клублар кинофильм кўрсатишдан нарига ўтмайди. Кино кўядиган клублар молявий пайдани бажариш билангина бўлиб, кенг ва қизиқари тарбиявий тадбирларни иккинчи даражага суриб қўйишадди, кино заллари баъзан дам олиш кунлари ҳам ёшлар ихтиёрига берилмаяпти.

Визингча, бирорта кинотеатр қошида шаҳар студентлари клубини очиб керак эди. Бу клубда ёш шоир, адабиётшунос, рессом ва музикачиларнинг ижодий кечалари уюштирилди. Эстетик маззуларда баҳслашув кечалари ўтказиш мумкин бўлади. Бундай клубда ёшлар билан иш-лашнинг янги услублари шаклланган бў-лув эди.

Ёшлик чоғим — олтин чоғим, деган гап бор. Умр баҳорининг мевалари бутун ҳафтага татийди, унинг ҳар дами ганямат.

Ёшларнинг маънавий дам олишларини уюштириш беқорилиқдан бўладиган баъзи номаъмул ҳодисаларга барҳам беради. Комсомол ташкилотлари ёшларнинг меҳнатдаги ташаббусларига қанчалик эътибор берсалар, бу муҳим давлат ишига ҳам катта куч сарф қилишлари, ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топшишида боз ташаббускор бўлишлари лозим.

## Муҳаррир минбари

# Усталар

Ҳар бир касбнинг устаси бўлади. Уста деган унвон халқ орасида жуда ҳурмати, шарафли унвон. Қулломи, пўлат иювчиси, сартароши, заргарми, қопилчиси, дурадгорми, наштачиси, созандами — ишқилиб ўз касбининг устаси борки, халқ ичиде унинг обриси катта. Халқ алақачон оламдан ўтган усталарни ҳам доимо тилга олиб, фалон устанинг шоғирди, фалон устанинг йўли, деган гапларни кўп ишлатиши бежиз эмас. Устанинг шон-шарафи эларо узоқ ва гўзал яшайди. Одамлар «уста» сўзига шу қадар ҳурмат, шу қадар маъно жойлайдиларки, ўз касбининг моҳир усталари баъзан маълому доирада ўз исми-шарифларининг тилга олинмай қўйилганига ҳам кўникиб нетадилар. Масалан, атоқли бастанкор Тўхтагани Жалиловни созандалар доирасида Уста дейилса, бас, ҳамма шу кишини кўзда тутар эди. Еки, Уста Ширин ва Уста Олимларнинг фамилияларини намдан-кам одам билади. Бекнобда Уста дейилса, ҳамма Ҳафиз Ганиевни тушунади ва ҳоноза.

Нега шундай? Гап фақат бу одамларнинг ўз хунарини мумкам эгаллаганидидими? Йўқ, гап шундани, Уста деган сўз халқ ўртасида профессионал тушунчагина эмас, балки ахлоқий тушунча ҳамдир. Усталар одатда касбда инсон қад-

рини кўрадикан, касб шарафини юксак қадрлайдиган одамлар. Галия Измайлова ҳар бир рақс партиясини юксак даражада ижро этади. Нега? Фақат яхши раққоса бўлгани учунми? Ҳа, моҳир раққоса бўлгани учун ҳам, албатта. Лекин муҳимроғи — бирон рақсни ўртача ижро этишга унинг «касб виждони» йўқ қўймайди. Ҳамма ҳақиқий усталар «касб виждони» соҳибларидир.


Сифатсиз маҳсулот истеъмолчининггина эмас, аввало уни ишлаб чиқарган одамнинг шаънига доғ туширади. Мен гўзал хийбон йўлкасига битум тўкиб чаламан-чатти теннислаб кетган асфальтчи «уста»ларни кўрсам, ёни баъзи дўнонларда 30-йиллар модасида, сифатсиз тикилиб, йиллар бўйи сотилмай чанг босиб ётган той-той кийимларни кўрсам, оддий профессионал виждондан маҳрум одамлар ҳали ҳам бор экан-да деб кўйман.

Шаҳар марказидан қатнайдиغان автобуснинг деразаларига лой чаплаган, томларига икки йиллик чанг, эшиклари синий, Автобусни бошқараётган ёш йигитнинг томоғи хириллаб, ҳар ярим минутда тўхид қилади:

— Билет олларинг! Олдинда контролёр турибди!  
Узи танимаган одамларга ҳар қадамда ишонсизлиги билдириб таҳқир этиши, ёлгон гапириси — бир гап. Ўз касбига, ўз иш нурулига муносабати-чи?

Бизнинг давримизда меҳнат қила билишнинг ўзигина кифоя эмас. Меҳнатинг одамлар олдиде маъсулият, одамларга ҳурмат ифодаси бўлсин. Бу маҳсулот сифати деган гап. Маҳсулот сифати сарф, брақ билангина эмас, маънавий муносабатларимиз билан ҳам боғлиқ. Халқда уста унвонининг улуғлиги ҳам мана шундан келиб чиқади.

Усталар аъёнасини қадрлайлик.



Колхоз истироҳат боғи ҳар кун шундан гавнум бўлади.

# Адресимиз: Лўғумбек

## Колхоз истироҳат боғи

Унга учта ёнма-ён баланд арк тагидан кириб борилади. Тепада ўйма ҳарфлар билан «Баҳор» истироҳат боғи» деб ёзилган. Марказий хиёбоннинг ўнгу сўлида, анвойи гуллар қуршовида ишлаб чиқариш илғорларининг, колхозни тузган ва уни мустақамлашга ўз ҳаётини бағишлаган ветеранларнинг катта-катта суратлари қўйилган. Боғнинг тўрроғида ҳар бири арқон сингари муаллақ эшилиб турғувчи фавворалар қуёш нурида минг хил товланиб кўрилади. Ҳар жой-ҳар жойда олабула скамейчалар. Уларда оқ яхтак кийиб, чопонини елкасига ташлаб олган мўйсафидлар, ўғил-қизларини сайра бошлаб чиққан оналар, шўх-шўх гапириб қулишадиган йигитлар, қизлар ўтиришибди. Ундан нарида ошхона, чойхоналар, биллард, шахматхоналар... Радио карнайдан лўғумбекликларга таниш оҳанг таралаяпти — колхоз ҳаваскорлар тўғараги қатнашчиларининг қўшиқлари эшиттириляпти.

Бугун яқшанба — дам олиш кuni. Лўғумбекда бугун ҳамма ҳордиқ чиқаради. Ажабланманг: уч йилдан бери Охунбобоев номли колхоз атзолари олти кунлик ишга ўтмишган. Фақат чигит экилаётган ва пахта терилаётган наллада яқшанбада ҳам ишлайдилар. Бу ерда меҳнат — кун кечириб, лул топиш эҳтиёжидан одамлар билан бирга бўлиш, улар сафида туриб юрди ҳосил учун курашишдек фахрли машғулотга айланиб борапти. Буни Лўғумбекка келган ҳар бир киши — хори-

жий сайёҳ ҳам, ўз одамларимиз ҳам ўн-гайгина пайқай олади.

Теримга тушини олдида кўп жойларда олис-яқинга саёҳат қилиб, дам олгани бориш — республикамизда одат тусига кирганлиги маълум. Лўғумбекликлар эса, ҳар йили колхоз истироҳат боғида беш кунлик сайл қиладилар. Кураш дейсизми, дор ўйини дейсизми, концерт томошалари, аския, мушакбозлик дейсизми — ҳаммаси шу «Баҳор» боғида уюштирилади.

Мухбиримиз яқшанба кунларидан бирини фото суратта олиб қайтган, шунни кўриб турибсиз.

## Ботирлар ўлмади!

«Баҳор» — истироҳатгоҳи эмас, Лўғумбек қишлоғининг бугунгидек фаровон ҳаёти ва ободонлигини ёвлардан кўриқлаган ботирлар хотираси абадийлаштирилган табаррук манзил ҳамдир.

Анджонлик ҳайкалтарош бу истироҳат боғи хиёбонларига ўрнатиш учун учта ҳайкал тайёрляпти. Бир — Омонбуви Войларова сиймоси. У Лўғумбек қишлоқ Советининг биринчи раиси эди. Камбағал деҳқоннинг ғамҳўри, суянчиги, Совет ҳокимиятининг оташин тарғиботчиси, ташиқлотчиси эди. Уни босмачилар, руҳонийлар азоблаб ўлдирган. Иккинчиси — Маъди Исмоилов. Қишлоқда комсомол ячейкаси тузиб, қисқа вақт ичида ёш ленинчилар сафини етмиштага етказган жасур йигит эди. Унинг сафдоши — Абдуҳалиқ Холмадов. Биринчи бўлиб комсомол сафига кирган камбағал йигит. Ҳар иккови ҳам душманлар ўқидан ҳалок бўлган.



Эндилинда Охунбобоев номли колхоз ўз сабоат қорхоналарига эга. Уларда колхоз ишчилари меҳнат қилишади.



Бундан буён Омонбуви, Маъди, Абдухолиқларнинг ёш, жасорат тўла сиймолари колхоз боғида кураш ва ботирлик рамзи бўлиб туради.

Буларгина эмас, бу ерда яна бир улкан ёдгорлик бор. Улуғ Ватан уруши йилларида Лўғумбек қишлоғидан ҳам юзлаб янавирон йигитлар жанг майдонига отланган эди, улуғ Галабадан сўнг кўплари соғинган касбларига қайтидилар. Аммо икки юз саккиз баҳодир қайтмади. Улар Ватанимиз озодлиги йўлида ширин жонларини қурбон қилдилар. Ана шу икки юз саккиз баҳодирнинг номи ўйиб ёзилган улкан ёдгорлик Лўғумбек аҳлининг фахр-ифтихори бўлиб боғ тўрида турибди. Унинг пойизтагида гулдасталар ҳамisha барқ уриб, наҳрамонлар хотирасини ҳурматлайди.

## «Мажирок» — Дўстлик ороли

Яна ўша истироҳатгоҳ. Ўнг томонда чоғроққина кўл. Уни колхоз ёшлари қуришган. Ўртасида катта-кичик иккита орол. Бирини ошхона жойлашган, иккинчисидagi тоғлар соясида дам олувчилар кўлда сузиб юрган моторли қайиқларни томоша қилиб ўтиришади. Оролчалар бир-бирларига камалак нухса кўприк билан туташтирилган.

Шу кичик оролчада мўғул ёшлари делегацияси меҳмон бўлди. Ширин суҳбат қуришди. Колхоз ёшлари ўз ҳаётини сўзлаб беришди, мўғул дўстлар ҳам социализм қуриш учун олиб бораётган курашлари ҳақида гапирдилар. Бу орада қўшиқ бошланди. Уни қорачадан келган кичик жуссаи қора кўз қиз куйларди. Ширин овоз аввалига яқин атрофини, сўнг бутун «Баҳор» боғини эгаллади. Ҳамма сеҳлангандек ўтирарди. Қўшиқ тугади, мезбонлар «бу қандай қўшиқ?» деб қизиқдилар. «Мажирок» дейишди меҳмонлар.

- Мажирок!
- Мажирок!
- Мажирок!

Ҳар ким ўзинча талаффуз қилиб кўрарди: Мажирок!

Бу сўз мўғулча «Дўстлик» дегани экан. Мўғул дўстларимиз кетди. Улардан шу сўз эсдалик бўлиб қолди. Энди Лўғумбекликлар шу кичик оролни «Мажирок» деб аташади.


## Колхоз ишчилари

Бу йил ҳам Лўғумбекда юздан ортиқ йигит-қиз ўзинини тамомлади. Бир қисми олий ва ўрта ўқув юрларида ўқишни давом эттиргани кетди. Қолганлари колхозда қолишди.

Лўғумбекда уй-жой қурилиши поёнига етай деб қолган. Лекин кўп хонадонларнинг қўрғони пахса ё гуваладан. Шу сабабли қишлоқнинг кўрки кўнгилдагидек эмас. Қўрғон деворлари пишиқ гиштдан, бетондан қилинганда яхши бўларди. Бироқ бетон деворларни четдан сотиб олиш қimmatга тушади, бунинг устига, топилиши ҳам қийин. Бордию колхознинг ўзида қилинса-чи? Уста керак.

Қиламан деса ҳамма нарсанинг иложи топилади. Колхозда қолган ўн йигитдан арматурачилар бригадаси тузилди. Бошқа ўнтаси гишт заводида ишлайдиган бўлди — завод йилга уч миллион дона гишт

(Давоми 20-бетда)



Ушбу суратнинг чап томонидаги кичик оролчага — Мажирок ороли деб ном берилган. Бу сўз мўғулча бўлиб, Дўстлик дегани.



Лўғумбениннг марказий кўчаси шу жойдан бошланади.



«Баҳор» истироҳат боғи тун оғушида мана шундай сокин ва сирли кўринади.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.



Мустай КАРИМ

## Шеър билан баҳс

Шеърим, сен бор, одамларга  
Касби-кор ўргат, дейман.  
Темирчига босқон босиш  
Нелигин кўрсат, дейман.

Деҳқонларга кўрсатма бер,  
Экинни бундай эк, деб.  
Тикувчига ўргатиб тур,  
Чокини бундай тик, деб.

Нефтчига қайда нефть  
Борлигин айт аниқроқ.  
Қимиз пишиш, кир ювишдан  
Келинларга бер сабоқ.

Сувоқчини, бўёқчини  
Кўздан қочирма нари...  
Аммо шеърим сўзларимга  
Қулоқ солган сингарини,



Мийғида жилмайди-ю  
Менга тиклиди шу тоб,  
— Ўзингни бо! Ховлиқма, деб  
Тўсатдан қилди хитоб:

Одамлар ўз ишларини  
Жуда яхши билади.

# ДУСТИМИЗ МУСТАЙ

Бошқирдистон халқ шоири Мустай Карим ўзбек китобхонларига яхши таниш. Унинг энг яхши асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. «Ой тутилган тун» асари шоира Зулфия таржимасида ҳамза номидаги академик театринида кўйилган. М. Карим Осие — Африка ёзувчиларининг Тошкентда бўлган анжуманида иштирок этган. У ўзбек ёзувчиларининг жонажон дўсти. Шу йил октябрь ойида атоқли шоир Мустай Карим 50 ёшга кирди. Шу муносабат билан унинг янги шеърлар китоби шоир Шукрулло таржимасида ўзбек тилида нашр этилмоқда. Қуйида шу китобдан бир неча шеър босдим.

Турмас қўлин қовуштириб,  
Айтмасак ҳам қилади.

Етмиш ҳунар, етмиш ақл  
Мендан талаб қилмагин.  
Япроқларин таратувчи  
Ел деб мени ўйлагин.

Қайғу чўккан юракларга  
Таскин бўлиб кираман.  
Одамларнинг қалбларига  
Тошқин бўлиб кираман.

Кўзларда ёш кўрсам, уни  
Артиб ўтаман шу он.  
Мудраётган туйғуларини  
Ўйготаман елсимон.

Баҳор чоғи ипақ каби  
Ойнинг нурлари билан  
Ошиқларнинг дилларини  
Бир-бирига улайман.

Кошки эди, одамларнинг  
Қалбларига жиндек нур,  
Зарра шодлик бағиштолсам,  
Бахтли эдим бир умр.

Хунарим шу, ниятим шу,  
Шодман шунини қилолсам!  
Одамлар ўз ишларини  
Уддалайди менсиз ҳам...

## Онам айтган қўшиқ

Шу қўшиқни айтиб онам,  
Аллалаган сахарда.  
Шу қўшиқни тақорлаган  
Чиққанимда сафарга.

Қулоғимдан ўша қўшиқ  
Сира кетмайди нари.  
У жаранглаб эшитилар  
Ой, йиллар ўтган сари:

«Ениб турган учқунда ҳам  
Нур бўлади.  
Агар учқун сўнса, болам,  
Кул бўлади.

Агар томчи тинмай томса  
Кул бўлади.  
Бир томчидан чўллар ҳамон  
Чўл бўлади.



Кўп қадами тушган ерда  
Бўлур кўча.  
Елғиз оёқ солган из-чи,  
Тездан ўчар.

Қир гулларин кўрган одам  
Мақтаб ўтар.  
Йўл четида ўсганини  
Топтаб ўтар.

Сен ўзингни кўрсатиш-чун  
Ўсма елғиз.  
Ахир елғиз томчилардан  
Бўлмас денгиз.

Умринг бўйи елғиз бўлма,  
Қўшиғим бўлсин ҳамдам.  
Мен дунёга сени бердим,  
Сеники бўлсин олам!»

\*\*\*

Мотам ранги қора, қов-қора.  
Шу қорадан соч ҳам оқарар.

Бу тупроқ ҳам қора-ю, бироқ  
Ундан гуллар унади оппоқ.

Дучор бўлсанг, дардга бир ўзинг,  
Ғам босди, деб айтма ер юзин.

ШУКРУЛЛО таржимаси.

## БИР ҲАЖВ ТАРИХИ

1955 йили Ўшда Мамажон ҳожи деган киши билан учрашиб қолдим. У Ҳамзанинг бир ҳажвий шеъри қандай ёзилганини ҳикоя қилиб берди.

— 1912 йили хойга борсан, Ҳамза ҳам ўша ерларда эл-юрт кўриб юрган энан. Гоҳо бирга бўлдики. Орамизда Йўлдош ҳожи деган хасис, ёчимсиз бир одам бор эди. Унинг одатларини пайқаган шоир бир нонушта пайти куйидаги ҳажвни тўқиб ташлади:

Эй баҳил, мўлтони Йўлдош, сендаги виждон қани?  
Ҳониман деб лоф урарсан, дилдаги имон қани?  
Инки кундир — оч келарман, тамшанурсан, эй наонас,

Мақналарда бош уриб қилган суҳан-субҳон қани?  
Юзма-юзимиз, бир туйда тебраниб тинмай мудом,  
Ҳайф сенга одамийлик, оқибат-эхсон қани?  
Нону талқонинг сасиб, қалбинг могордан ҳам қора,  
Туймағил ҳеч еб имонинг, сўр яна: «Куръон қани?»  
Юз ўгиргил, эй Ниҳон шундай мунофиқ Ҳожидан,  
Топмадим ҳеч дилда дармон, оқ кўнгли инсон қани!»

Ҳақиқатан ҳам, Ҳамза акам жуда ҳозиржавоб шоир эди. Унинг тўсатдан айтган кўп шеърлари қозоғга тушмай қолганига афсус қиламан.

Абдулла ҲОТАМОВ



В. И. ЛЕНИН ВАТАНИДА

Ульяновлар уйи.

«Ульяновлар уйи»  
Р. Левицкий 1969.

Илья Николаевич ҳайкали.



Р. ЛЕВИЦКИЙ расмлари.

Володя Ульянов ўқиган мактаб.





«Мазлумалар, жонлара жононалар,  
Қизлариягизни ўқитинг, оналар!»



Куйнинг туғилиши...



Сурамыз буткул зулматни, жаҳолатни, ғафлатни,  
Тузамиз янги турмушни замон ичра!




# „Зангори кема“ карвонлари

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошнент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг кўп минг кишилик коллективи КПСС Марказий Комитети октябрь (1968 йил) Пленуми қарори ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги қарорига амалий иш билан жавоб бермоқда.

Беш йилликнинг тўртинчи йиллини ленинча зарбдор меҳнат йили деб эълон қилган машинасозлар бу йил республика пахтакор механизматорларига икки қаторли ҳисобда 10 минг 600 та пахта териш машинаси етказиб бериш мажбуриятини олишган. Бу — ўтган йили тайёрланган «зангори кема» ларга нисбатан 3 мингта кўпдир.

Заводда асосий маҳсулот — пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича ярим йилликка белги-ланган план муваффақиятли адо этилди. 4500 та «зангори кема» тайёрланиб буюртмачиларга юборилди. Шулардан 1600 таси «17ХВ—1,8М» маркали икки қаторли пахта терадиган машиналардир. Қолганлари эса 4 қаторли пахта терадиган «Ўзбекистон» машинаси.

— Коллективимиз аъзолари, — дейди завод партия комитетининг секретари П. А. Юсупов, — пахтакорлар олдида берган сузларининг устидан қиқши учун жонбозлик кўрсатдилар. Йилнинг иккинчи ярмида коллективимиз олдида икки қаторли ҳисобда 6100 та пахта териш машинаси ишлаб чиқаришдек муҳим ва шарафли вазифа турибди.



Бугун Ўзбекистон далаларини терим агрегатларисиз тасаввур этолмаймиз.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

## КАТТА ТАЖРИБА МАКТАБИ

акс этган ўзбек миллий традициясини ҳар тарафлама тадқиқ этиш — М. Швердин ижодининг яна бир муҳим жиҳатидир.

Бу йил М. Швердин 70 ёшга тўлади. Болалигидан Ўзбекистонда яшаётган, ўзбек тилини, Шарқ классикасини эгаллаган бу адиб умр бўйи ўзбек фольклорини тўплаш, ўрганиш ва китобхонга тақдим этиш билан машғул. Мулла Насриддин тўғрисидаги эртан ва латифаларни рус тилига таржима қилиб, тўпламлар нашр эттирди. М. Швердиннинг бу эҳтироси икюдий намолотида ҳам сезиларли из қолдирди. Унинг «Етти гуноҳ» асарини Шарқнинг саргузаштли қиссалари руҳида ёзилган.

Асарнинг ҳар бир боби тугалланган ҳикояга — қиссанинг яхлит занкиридаги алоҳида бир ҳалқага ўхшайди. Авторнинг ва асар қаҳрамонларининг, айниқса Алдаркўсаннинг сербўёқ образли тили ҳам ўша традицияга бориб тақалади. Фольклор қаҳрамонининг номи қўйилган ўта нув ва қизиқчи Алдаркўса образида турмуш машаққатларида товланган халқ характериининг жонли тимсоли гавдаланади.

Образларнинг контраст бўёқларида, яхшилик билан ёмонликнинг эса, бир-бирига муросасиз, несини зиддиятда берилиши авторнинг ўзбек адабий традициясини эътибор билан ўрганганлигини кўрсатади. Ижобий қаҳрамонларнинг ҳатто нуқсонлари ҳам (масалан, Зуфарнинг ҳаддан зиёд инонуванчилиги ва қизиққонлиги) уларнинг фазилати — софдиллик ва очиқ кўнгилликнинг давоми сифатида берилади.

Роман қаҳрамонлари образларида, янги инсон ҳаётида бўлганидек, миллий ва интернационал хусусиятлар узвий равишда уйғунлашиб кетади.

Адиб шайх Музаффарни мулкдор феодал, дарвиш, мартабали художўй шахс сифатида кўрсатади. У душманлар қароргоҳига ўз аждодларининг «муқаддас» либосини кийиб боради, ҳеч бир «мусулмон» унга қўл текизишга жазм қилолмайди. Лекин шайх Музаффар айна маҳалда миллий-озодлик ҳаракатининг чинаман замонавий ўрқабари: совет

кишилариини иззат-хурмат қилади, уларга кўмаклашади, ўз навбатида, уларнинг маддидан умидвор бўлади. Унинг севили маҳрамаси Гулсун эса, аскардир. Бу образ озарбайжон фольклорига ва халқ шоири Сулаймон Раҳим асарларида нуйланган «халоскор қароқчи» Набининг дойоран қайлиги Ҳожарни эслатади. Лекин Гулсун ҳар қанча афсонасифат бўлгани билан аслида ҳаётда мавжуд ҳамда ўта замонавий гоғлар, интилиш ва ҳаранатлар, қадимги урф-одатлар билан эжаб-товур туташиб नेताётган ҳозирги Шарқ учун характерли бир инсондир.

Миллий традиция жонсиз қондалар мажмуаси каби тушунилса, могор босган сарқитга айлиниб, традиция бўлмақ солади. Традиция ривожлансагина, ўзга миллий хусусиятлари қабул қилса ва ўз бағрида қайта ишласа, ўзи янги сифат насб этиб, янги куват ва воситалар билан бойисагина яшай олади. М. Швердин адабий традицияни худди шундай тушунади.

Фавқулодда мароқли саргузаштлар билан тўла бу қиссани ўқиганинги сари унинг муайян тарихий неғизлари сизга аниқроқ ошкор бўла боради, сюжет ипларининг мураккаб калавасида, ҳайратомуз воқеаларнинг афсонасимон чатишишида иккинчи жаҳон уруши даврида Шарқдаги ҳаёт ва нурашининг бутун мураккаблиги ва ранг-баранглиги акс этганини равшанроқ тушуна борасиз.

Асардаги ҳамма образлари ҳам саргузаштли схема доирасидан чиқариб олиш адибга муяссар бўлган, дейиш қийин. Лекин мен романнинг энг қимматли бир жиҳатини таъкидлашни истардим. Эшлигида босмачиларга қарши курашган болшөвизин санъяткорининг, жаҳон санъатининг классик традицияларидан баҳра олиб улғайган рус ёзувчисининг позицияси унинг роман-тадиқотларига ўзбек ва рус миллий традицияларининг табиий омухтасидан иборат янги сифат олиб кирди. Бу омухта шундай бир қисса шаклини вужудга келтирдини, у ўзида ифодаланган ҳаёт мураккаблигига мос нелади.

З. КЕДРИНА.



### Тўйхат


Михаил Иванович Швердин «Санжар ботир», «Бўри издан», «Бонг», «Чўл кўланкалари», «Етти гуноҳ» романларида Ўзбекистонда совет тузумининг ўрнатилиши ва ривожланиш босқичларини бирма-бир кўздан кечирилади, жамиятдаги ҳамма синф ва табақаларнинг ҳолатини худди кўзгуда акс эттиргандек диққол кўрсатади. Сўнги икки роман («Чўл кўланкалари» ва «Етти гуноҳ») воқеалари Ўзбекистонда, Москвада, Туркияда, Эронда, Озарбайжон ва Эрон Курдистонда, ҳатто герман фашизмнинг уяси — Берлинда содир бўлади. Бу китоблардаги айрим персонажлар, масалан, ашаддий контрреволюционер мухожир Мустафо Чўқаев ёни фашист резидент Фон Папен тарихий шахслар бўлса, сиёсий авантюрачи аёл Сафият сингариларининг ўз прототиплари бор; ўзбек йиғити Зуфар, овчи Мерган ёни ўта зийр Алдаркўса эса, тўнчи чиқарилган қаҳрамонлардир.

М. Швердин романларининг тузиллиши қайси жанр принципларига мувофиқ келиши устида гап борадиган бўлса, айтиш мумкинки, бу несини воқеабанд ва саргузаштли романтикадир. Айни вақтда унинг романлари реализм руҳи билан сугорилган; қарама-қарши нуқчаларнинг нисбати тарихий жиҳатдан тўғри белгиланган, воқеа ва характерлар тақомили ҳаётини муҳит ва жамият ривожини неғизда берилган.

«Етти гуноҳ» романида ўзига хос тарзда

# Шайтонлар

Ҳ И К О Я



«Тирикмидинг, Жонажон. Үзим ҳам шундайдир деб ўйлардим-а. Бошқача бўлишига сира ишонгим келмасди. Ахир, сендай одам ўлмайди, ўлмаслигинг кераклигини билардим. Билардим-у, гоҳо беҳтиёр ўйлаб қолардим... Нималарни ўйлашимни қўй, айтмайман. Ер ўйсин уша шайтон васвасасини... Барибир тирик, тирик, тириксан, аллақерлерда сен ҳам бизни эслаб юргандирсан, дердим доимо ўзим-ўзимга. Лекин қардаллигининг билмасдим. Ахир Ўзбекистон кичик мамлакатми! Умуман, сен ҳам, мен ҳам, Иван Ефимович ҳам — ҳаммалариз ўтакетган тентаклар эканми. Тентак бўлмасак, адресларимизни ёзиб олишмасидик!»

Дарвоқе, Иван Ефимович... Уша «елим»лиги қолмади унинг, сира ажралмади мендан. Госпиталда ётганларингда тез-тез бориб турганини эсларсан? Сўнгги гал борганимда, қайси кўз билан қурайки, сен ётган госпитал ер билан яқсон бўлиб, тутаб ётибди! Кеча бомбардмон қилишди, дейишди. Сени суриштирдим. Куйиниб, ивирсиб юришган госпитал ходимлари «қўрмайсанми!» деб жеркиб беришди. Фақат, аҳволимни пайқаган бир кекса ҳамшира олдimgа келиб: «Қўй, ўпкангни бос, омон қолганларни кеча поездга ортиб, мамлакат ичкарисига жўнатишди. Эҳтимол, сенинг ҳам ўшалар ичига кетганди!» деб тасалли берди. Кейин Иван Ефимовичнинг олдига бордим. У ҳам шундай деди. Уни биласанми, камгап. Лекин кейин, олдига борганимда ҳар гал сени суриштиради. Жонажондан дарак йўқми, дерди. Ачинарди, лекин ачинганини сиртга чиқармасди.

Иван Ефимовични госпиталдан икки қўлтиқ таёқ билан уйига

жўнатишди. То мени демобилизация қилишгунча хат ёзишиб турдик. Мен Берлиннинг ўзидан қайтдим. Уйга келганимга ўн беш кун бўлар-бўлмай, лоп этиб уйга кириб келса бўладими! Е немис ололмаган жонимни энди сен олсан, ё менга тегасан, деб туриб олди. Мундоқ қарасам, қўлтиқ таёқ миниб юрибди. Уни мустақкам таянчга эга қилмасам бўлмайдиган...

Тўй қилдик. Тўй ҳам роса уч кун чўзилди дегин. Кейин Полтавадан Черниговга, Иван Ефимовичнинг юртига кўчиб келдик. Яшаб турибмиз, Иван Ефимович қўлтиқ таёқларни аллақачон ташлаб юборган. У ҳам сендай бинокор. Брнгадир. Мен ҳам унинг бригадасида ишлардим, ўғлимиз Володя унингчини битирганидан кейин ўрнимни олди. Энди сиз дам олинг, ойна, деди. Қизимиз Маша бешинчида. Сенга ҳаммасидан салом.

Дарвоқе, сени топган ҳам Володя бўлди. Ота-бола иккалаени ҳам «Строительная газета»га оуба. Дадаси хушига келса ўқийди, бўлмаса йўқ. Володя бўлса бир ҳарфини ҳам қолдирмай, бошдан охиригача ўқиб чиқади.

— Ингилик,— деди у бир кун ивирсиб ўтирганимизда, дадасига газетани узатиб.— Биз ҳам ўзимизда шу методни қўлласан бўларди.

Иван Ефимович қизиқиб қолди. Ҳазин биласан, бунақа парсаларга суяги йўқ. Газетани кўздан кечиргач, менга узатди.

— Мана бу суратни кўргин, танийсанми? Унинг ҳам фамилияси...

Газетадаги расмини кўришим билан кўзларим тиниб кетди. Сен! Сенинг исминг, сенинг фамилиянг! Жиндак семирисан, жиндак улгайисан, холос.

— Жонажон! Бизнинг Жонажон-ку,— деб йнглаб юбордим. Мен йнглаймай, болалар кулишади. Иван Ефимович ҳам ҳиринг-ҳиринг қулади.

— Қани энди...— деб кўзини қисиб қўйди Иван Ефимович. Нимага кўз қисаётганини билмаман. Бита эмас, иккита қўйдим. Қўшнларини ҳам таклиф қилдик. Ўлтиришнинг охиригача сен тентакнинг достони, қаҳқаҳа аримади уйимиздан. Иван Ефимович ҳам роса яйради. Ҳа, шундай бўлди. Сени шундай топдик. Эсингдими, бахт тўғрисида мунозара қилардик. Лекин мунозарализ очиқ қолганди. Иван Ефимович билан оила қилиб, ўғил-қизли бўлгач, уруш машаққатлари орқада қолиб, турмуш юришиб кетгач, бахт дегани шундай буларда деб юргандим. Сени топгач, олднинг эришган бахтим ҳеч нима бўлмай қолди. Еки бахтининг чегараси бўлмайдими, а?

Шу. Урушдан буюн ўтган йигирма уч йилнинг ўзимизга доир ҳамма тарихини сенга ёздим. Энди навбат сенга. Хатин олган захотинг бизга ҳам ёз. Кўзимиз йўлда бўлади. Кечиктирма. Хотининг аччиғланса ҳам, сени ўпаман... Мана, Иван Ефимович ҳам менинг номимдан салом ёзгин, деб таламда турибди.

Валя».

«Эсларсан?». Иигирма уч йил! Ана холос. Назаримда, бу воқеалар гўё хотира эмас, кечагина юз бергандек. Кифтин уларнинг кифтига тегиб тургандек. Ҳатто, ўшанда менга инакдек майин туюлган қўл ҳароратини ҳам шу толда сезиб турибман. Шундоқ бетимга уфуриб турган илиқ ва мулойим нафасда балкиб кетяман. Доим шундай. Ҳаётимнинг бир парчаси бўлиб қолганидан шундай. У аса «Эсларсан?» дейди!

1944 йилнинг ёзи энди. Марказий Россия ёзи ям-яшил, сўлим ва салқин бўлади. Ёзини ўшанда госпиталда кутиб олган эдик. Лекин шаҳар чеккасидаги темир йўл станцияси чақмоқ уриб кетгандай вайрона. Қулоч етмас дуб, қарағай, нозик бадан қайнлар ерга қулаб, айқашиб ётар, чирт узилган новдалари бинолар харобасида, ағдар-тўнтар бўлган перрон ва тротуарларда тўзгиб ётар, бомба хандақларида ҳосил бўлган қўлмакларда сузарди. Бу аянчли манзаралар баданлар жунжикарди.

Перронда олазаран бўлиб турганимида артиллерия капитани ҳузуримизга келди.

— Йўл бўлсин, азаматлар?

— Ҳаммамиз чест бердик.

— Қурувчи полкка, ўртоқ капитан! Госпиталдан.

— Ҳужжатларимиз ёнингиздадир!

— Худди шундай, ўртоқ капитан!

— Артиллерият бўлишини истайсанларми?— деди у бизга қўлимсираб, ҳужжатларни кўздан кечиргач.

Мен ҳамроҳларимга, улар менга қарашди.

— Худди шундай, ўртоқ капитан, истайми!

Капитан бизни темир йўл бўйлаб бошлаб кетди. Ийрик калибрли тўнлар, шатакчи трактор ва автомашиналар орнлган очиқ платформа ёнида тўхтадик.

Ҳаракатдаги армиянинг артиллерия қисми — Олий Бош Қўмондонлик резервидаги алоҳида артиллерия дивизиони душманининг Қрим группасини тор-мор қилгандан кейин, бир неча кун дам олиб, Иккинчи Белорусия фронтига келаётган экан. Шу станцияга келганда тўстатдан туңги бомбардмон остида қолишибди. Дивизионнинг моддий-техника қисми жиддий зиён кўрмаган бўлса ҳам, бир неча солдат ва сержант сафдан чиққан экан. Бизни ўшалар ўрнига қабул қилишди. Узоқ йўлимиз аяни бўлди. Артиллерият бўлиб қолдик. Мени миномётчи ва сержант бўлганим учун, унчини батареянинг бошқарув взводига кузатувчи-разведкачи қилиб тайинлашди. Иван Ефимович Мушта разведкачилар бўлишмасининг, яъни бизнинг командадимиз энди.

Биз деганим — Володя, Коля, Серёжа, Миша, Сама ва мен — олти киши, ҳаммасан ўзимдай шолдир-шулдур экан, дарҳол эл бўлиб кетдик.

Иван Ефимович мен билан тенгдир, ўзи қорача ранг, лекин кўк кўз, қопининг учлари сал сарғитиб бўлмаса, худди ўзбекми дейсиз. Вазини. Камгап. Абжир. Лекин чеҳрасидан табассум аримайди. Ҳамма унга тақдид қилади.

Эшелон белгиланган маррага — Витебск остонасидаги ўрмонга келиб тушгунга қадар менга артиллерия фанини, унинг ўтнини бошқаришни ўргатиб ташлади. Бироқ олган билимимни амалда кўрсатишга тўғри келмади. Қўшинларимиз дивизионимизнинг душман истеҳкомини емирувчи ўтнга муҳтож бўлмади. Бир ҳамладаёқ немислар Витебскини ташлаб, қочиб кетишди.

Фронт Польшанинг гарбий чегарасига етган, немислар Шарқий Пруссия остонасида илоҳий турар, фронтда стратегик жанглар кетаётганди. Бизни Польшада дам олишга қўйишди.

Ўрмонда жойлашдик. Тўплар, снаряд запаслари, транспорт воситалари, штаб будкалари қалин дараклар остида ниқобланган. Ҳаммаиз ертўлаларга ашайимиз. Силлиқ, новча қарағайлардан кесиб, ертўлаларга пол қилиб ташладик. Бемалол ва саршита. Сўлим арча, сақич ҳиди ақиб турди. Хуллас, ўрмонни ер ости шахарчасига айлантирдик. Аслида бинокор инженер бўлган батарея командиримиз капитан Широков бунга ташаббускор бўлди.

Қунда иккинчи соатлик ўқув машғулотини, сиёсий ахборотдан ташқари вақтларда дивизионнинг шахсий состави кўнгил очади: гармон, патефон, ашула, рақс.

Ҳамма гап шу ерда бошланди.

Ҳаваскорлар тўтарига кирдиму, бутун дивизионда «Жонажон» номи билан шуқрат қозондик. «Анютанинг кўзлари» деган бир пардали пьесада негр ролини менга топширишганди. Валя Анюта ролида ўйнади. «Анютанинг кўзлари» дегани аслида гул номи. Дивизион гўзали бўлган Валининг сеҳрли шахло кўзлари бу номига жуда муносиб эди. У негрни севади, «Жонажон» («Мой милый») деб унинг атрофида гиргиттон. Валининг ўзига ҳеч қандай пардоз-андоз керак эмас, саҳнада шундайлигича ҳам барқ уриб тураверди. Лекин спектакль олдидан мени ўз кўли билан пардозламай туриб, асло пардани очдирмади. Ҳамма оро берадиган мўйдазмонли тутагиб, соҳимни жингалак қилди. Бетинга жиндак кўмир ниқалайди — уни ҳам ўзи сайёр қозон-ўчоқдан қорғоғза ўраб келтирди. Менга лабдан берган. Онам гўё шу спектакль учун туқдан мен — қоракўя суркасам худди негрнинг ўзгинаси бўлман-қоламан.

Негр содда, ситамдийда, шикастадил, гариб ва маҳзун. Анютанинг севишини пайқаш нари турсини, оқ тили қизинг негрни севиши муқимлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Ундан чўчидай, тортинади. Қўлабола режиссеримизнинг образ талқини шундай.

АНЮТА — Менга қарагини, Жонажон...

НЕГР — Бизники эшитида, мисс.

АНЮТА — Сизлар томонда ҳам муҳаббат бўладими?

НЕГР — Му-му-му-мубатхе?..

АНЮТА — Иўқ, муҳаббат дегини. Му-ҳаб-бат!

НЕГР — Му-ба-те... Бизники тушунади йўқ, мисс.

АНЮТА — Ҳа, тушунмайсан, Жонажон, тушунмайсан!.. Мен

кимни севсам тушунмайдиган чиқади ўзи! Мана, сен — йингит,

мен — киз...

НЕГР — Окей, бизники Джон, сизники мисс Анюта!

АНЮТА — Фараз қилайлик, мистер Джон мисс Анютага ёқиб

қолди.

Шу-да!

НЕГР — Шу-да! Шу-да! Шу-да!..

Анюта, яъни Валя негрни севишини англишчи учун кўз ўйнатишни, қош учириниши, бутун воситаларни ишга солади, кучоғини очиб унга иттилади. Негр эса, яъни мен, кўзларим билан тўсиб, инглизча ўрнига ўзбекча алланималарни валдираб, орқага тисариламан. Залда қарсақлар гулдурайдил! Қаҳқаҳа кўтарилди!

Шундай қилиб, машхур бўлдим-қолдим.

Ҳамма мени «Жонажон» деб қақиради. Валя ошпаз эмасми, паловнинг таги, шўрваннинг бети бизники. Сергўшт, серёғ. Еявер, Жонажон, миқти бўласан, дейди. Шунинг учун нонуштада ҳам, тушликда ҳам, кечликда ҳам термос менинг биқинимда, овқат келтиргани мени юборишди. Бутун разведкачилар бўлинмаси — ҳаммаимиз тўндай семирив кетдик. Яна денг, илчичин, мазамат қилишганини айтмайсанми: бўл, бўл, ошпазнинг ҳафтафаҳм ардоқлиси, бўл эмиш! Шундай қиладиган бўлсанлар, мана сенларга деб, овқат ташигани бормай қўйдим.

— Жонажоннинг ўзи келсин, деди Валя, — Саша термосни ошхонадан куруқ кўтариб қолди. Барибир бормадим. Бормасам ҳам Валя шу-шу сергўшт, серёғ қилиб, термосни тўлгазиб юбориб турди.

— Ол, Жонажон, — дейишди. Ҳазили қўйишмади-қўйишмади шеркларим. Иван Ефимович бўлса ерга қараб ҳиринг-ҳиринг қуларди, холос.

Фронтга зарур бўлиб қолдик. Ер ости шахарчамизни тарқ этиб, Нарва плацдармига етиб келдик. Қўшинларимиз Нарванни у ёғида плацдармин ишғол қилиб туришган экан. Биз, бошқарув взводи, олдинги линияга кетдик, батареяларимиз икки-уч километр орқада позиция тутиб қолдишди.

Олдинги линия қалин ўрмоннинг гарбий чеккаси бўйлаб ўтарди. Ниқул йирик қарағайор. Учлари туташиб кетган, осмон кўринмайди. Чодир ёйгандай. Чодир таги сайхон, кенг, соқин, қорга бурканиб ётди. Кузатув пункти учун жой таллагани айланб юришган батарея командири капитан Широков, взвод командиримиз лейтенант Матвеев ва Иван Ефимовичларнинг оёқ остида қорнинг гарчиллаши узоқдан бемалол эшитилгати. Аҳён-аҳёнда пулемёт ё автомат гарриллаб қолмаса, тўп гумбурали, снаряд хуштак чалиб ўтмаса, бу ерни уруш майдони, унинг олдинги марраси дегулик эмас. Жим-жит. Оромикон.

Ниҳоят, кузатув пункти қуриладиган жой белгилаб олинди. У ердан юз эллик-икки юз қадам орқада блиндаж қуришга киришдик.

Биров ўра қаэсан, биров даракт кесяпти. Иш қайнаб кетди. Бундай пайта ҳеч ким ҳеч кимга бюрмайди, ҳаммаини ҳаёт

ишқи, ўлимга вафрат ҳисси бошқаради, шекллади. Лекин, қаача уринсақ ҳам, блиндажини кечгача қуриб улгуролмадик.

— Болалар, асбоб-ускунанин орқаланглар, — деб қолди лейтенант Матвеев, капитан билан ақтидан шу ҳақда фикрлашгач. Ажойиб инсон эди капитан Широков!

Кун ботиб, гижир-гижир аралалар, сайёр қозон-ўчоқ, ошхоналар қимирлай бошлади. Олдинги маррага ўқ-дори, кечки овқат келтиришди. Биз душман кўрмаса ҳам, фахмлайди — тош йўлни тўп ва миномётлардан ўққа тутайди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда портлаётган снаряд ва миналарга чап бериб, ўт остидан чиқиб олдик.

Батареялар жойлашган ўт очни позицияни доирасида ўзимиз-никиларданми, немисларданми қолган омонатгина эски ертўлага кириб олдик. У уч, ё тўрт кишига мўлжалланган, биз эса етти кишимиз. Снаряд гильзасидан қилинган қўлабола жинчироқ ёруғида нари-бери тамадди қилиб, сўрига қийшайди. Ҳаммаимиз бир томонга ўтирилиб, чап ёнбошта ётибмиз. Оёқ чўзсак тиззадан пасти сўридан осилиб қолади. Ноқулай.

— Эҳтиёт бўл, оғайинлар, ортага бизни тузланган балик, деб нонуштага улашиб кетишсанми! — Бизни роса қуддирга ҳазиллаш Коля. Ҳа, бочкада тузланган баликдай зичлиб ётибмиз.

— Болалар-ў! Жонажон-ў! Шу мақондамисанлар? — Валининг овози. Тушадигек қўлогимга кирди. Ҳеч ким гинг демади. У ҳам ҳеч қандай мулозимат қутиб турмай, тусмоллаб сўрига чикди. Иван Ефимович билан ёнма-ён ётган эдик, тифтоқко иккаламизнинг ўртасига чўзилиб олди. Дам ўнгга, дам чап ёнбошта ағдарилди, аста-секин орамизга сингишиб кириб олди. Баттар зичлашдик. Худди паркетдек.

Вали-қ аста-секин орамизга кириб олди-я. Лекин менинг кўзимдан уйқу қочди. Тамом бедор бўлдим. Унинг елкасига тўкилиб ётган сочлари, илқ нарфаси, муаттар бўй бутун вужудимни куйдириб юборди. Кўзимни юмай дейман, ҳеч юмилмайди. Юрагим қараск чалади. Кўксимга сигмайпти юрагим. Сармату бехутир бўлиб қолдим. Ҳаммаимиз ҳеч қачон бундай ҳис қилмагандим. Бирни кириб, бири чиқиб турган бу ҳаёллар ҳеч вақт миялга келмаганди. Саҳнада негр ролин ижро қилаётганимда ҳам, бошқа вақтларда ҳам Валининг қўлини тутишга журъат қилолмасдим. Шу пайтагча лол муҳаббат бирдан тилга кирди. Журъат бағишлади.

Пайпаслаб, унинг қўлини топиб олдим. Ловиллаб ёнаётганди қўли — баттар юрагим ўйнаб кетди. Беозоргина сиқдим қўлини. Бир вақт у ҳам қўлимни маҳкам сиқди. Сийпалай кетди-ку. Демак, ухламай ётган экан шайтон! Хуллас, қўл ушлашиб ётдик. Одатда, хусусан поstda турганда, қиш оқшони узоқ бўладиган эди, бу кеча аксига олиб дарҳол тонг отди.

Тонг ғира-ширасида Валя ҳеч нима билмагандек ўрнидан туриб, ўз ошхонаси томон кетди, биз қурол ва ускуналарини орқалаб олдинги линияга жунадик.

Бу воқеа ҳеч юрагимга сигмаётганди. Ҳаммасидан кўра Иван Ефимовичнинг анқовлигига ич-ичимдан кулгин қистарди. Ахир, у ёнма-ён ётгани ҳолда туниги воқеадан беҳабар эди-да. Ўрмонни бошимга кўтариб ҳайқиргим келди. Бахтиман!

— Вая, — дедим ниҳоят, — сен бу оқшом ўлиб қолдингми?

— Ҳа, нима қипти?

— Сен қараю! Мен тун бўйи мижага қоқмади. Валя билан

қўл ушлашиб... Бирам юмшоқ, бирам... — қўлогимга шивирладим.

— Елгон гапирайсан!

Қасам ўчдим.

— Наҳотки!.. — у аввало ўйлиниб қолди. Кейин қикирлаб қулиб юборди. Қотиб-қотиб қолди.

Воқеани ўзаро таҳлил қилганимизда маълум бўлдики, Иван Ефимович ҳам менинг ҳолимага тушган экан. Тун бўйи мижага қоқмай Валининг иккинчи қўлини ушлаб ётди.

— Ҳеч кимга айта кўрма, шарманда бўламиз! — Огоҳлантириб қўйди Иван Ефимович.

Сир сақлаш бир менга боғлиқмиди, бу воқеа ҳадемай тилдан тилга ўтиб, овозимиз бутун дивизионга ёйилди. Мен-ку ҳазил-муйтобга тез кўникиб кетдим-а, лекин Иван Ефимович шолғомдек қизариб, анчагача бошини кўтаролмай юрди.

Блиндажини ҳам, кузатув пунктини ҳам қойиб қилиб ташладик. Пунктини ёнма-ён ўсган новча қарағайлар тепасига қурдик. Қарағайлар ўртасида уларга ўйғон ҳодалардан жипслаширилган тўсиналар қоқиб, учбурчак кўйриқ-майдончалар ясадик. Стереотруба, телефонни тўртинчи майдончада ўрнатдик. Бу ердан бизга кузатув зонаси оптикка орқали бемалол кўришиб турди.

Душманнинг олдинги линияси ўрмон чеккаси бўйлаб чўзилиб кетган. Оқоплари, блиндаж ва муҳим ўт очин нуқталарни обдан ниқобланган, бунинг устига қор билан қопланган. Лекин улар бизнинг кўзимиздан қочиб қутулормайди. Икки ўрмон ўртасидан очиқ майдонда пайт пойлаб ётишибди. Гоҳо-гоҳо оқонда бепарворқ солдатнинг қалпоғи, белгича бутун гавдаси, ивирсиб юриши кўришиб қолади. Уларнинг оқони бу томондан симлар билан тўсилган. Бизнинг оқопларимиз олди эса — очик. Чунки улар мудофаада, биз ҳужумчи. Бу ҳис кишига гурур, куч бағишлайди.

Дивизионимиз ўти душманнинг мустаҳкамланган темир-бетон позицияларини емиришни керак. Биз разведкачилар ана шундай объектларга ов қиламиз. Бундай объектлар душман мудофаасининг иккинчи линиясида, ундан орқароқда ҳам жойлашган бўлиши мумкин. Шунинг учун душман территориясида бир лаҳза ҳам кўз узмай, оптиканинг кучи етган қадар узоқ масофани синчиқлаб кузатиб, кўга ташланган ҳар қандай шарпани батарея команда пунктига хабар қилиб турамыз.

Қўшинларимизнинг катта ҳужумга тайёрланаётганлиги сезилиб турарди. Атрофимизда бошқа артиллерия қисмларининг кузатув пунктига ҳам пайдо бўла бошлади. Соқин ўрмон жонлиб кет-

ди. Бунд душман ҳам сезмай қолмади, албатта. Вақти-вақти билан, гўё бизнинг диққатимизни жалғитиб ўрмонга снаряд ва мина ёғдирадиган, дарактлар бошини пулемётлардан тахминий ўққа тутадиган бўлиб қолди. Бундай пайтларда кузатув пункти анча хагарди, душман ўтидан ҳимоя қиладиган ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди. Бирдан у зирқ қолганга истехкомга айланди: кузатув майдончасининг олдига, иккала ён томониغا сабдан чиққан танкдан кўчириб олинган пўлат тахтачалар ўрнатилди, энди ўқ қор қилмас эди. Билсак, бу Иван Ефимовичнинг иши экан. Бунга қачон улгурганини унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди.

Бирдан ўнлаб мина ва снарядлар вишиллаб, ҳавони титратди. Баданинг зирқираб беихтиёр зирқ орқасига ангахасан. Аммо у ўлим даракчилари зум ўтмай атрофда портлайди. Кузатув пунктидан тушиб, блиндажга югуриш керак. Батарея командирининг бўйруғи шундай. Кузатув пунктидан ҳар қайсиси беш метрлик туртта шоти орқаси ерга тушляди. Бунга камидя бир минут кетади. Лекин ўша бир минут ичида душман юзлаб снарядлар ёғдиришга ўлгуради бошинга. Нима қилиш керак?

Ўшанда Иван Ефимович яна ўз ихтиросини кашф этди. Чийратиб эшилган икки қат кабель танобини тортиб, бир учини кузатув пунктида қарагай шохига, иккинчи учини эса қўйиға қиё тортиб, ерда бошқа қарагай тубиға боғлади. Душман устимизга тўв ва миномётлардан ўт ёғдирган пайтда ўша чийратма кабель орқали «шув» этиб сирганиб ерга тушамиз. Бир минут ўрниға тўрт-беш секунд. Шарти: қўлқоплар совуланган, кабель мойланган бўлиши керак. Иван Ефимовичнинг бўйруғи ошгандан ошиб кетди.

Бирок кутилмаган ҳодиса юз берди. Кимдир блиндаждан ташқарида, Мушта ўлди, деб бақирди. Йўғ, у ўлмаган, лекин қарагай остидя ётарди. Ранги қув оқарган, бурнидан қон келган. Ҳаммадан олдин капитан Пирожков унинг юрағига қўл солиб кўрғач, бошини тиззасига олиб, оғзига флягани тутди. У тамшаниб, кўзини очди.

— Ўртоқ капитан... Сизни танияпман... Жонажонни ҳам... Лекин... Қаерда ётибман? Менга нима бўлди?... унинг кўзлари ҳайрат тўла жовдирарди.

Боя биз блиндажда ўтирган пайтда ташқарида бирин-кетин портлаган снарядларга эътибор қилмагандик. Мана, атрофда ўша портлашлардан ҳосил бўлган қора хандақлардан буг бурқираб турибди. Ўша ҳужум пайтида Иван Ефимович одадгадидек сирганиб туштаётганида чийратма кабель узлиб кетибди...

— Афсус... Афсус, Украинани топган душман ериға қадам қўйиш менга муяссар бўлмади...

Иван Ефимович 1940 йил Финляндия урушида Маннергейм линиясини мажақлаган артиллериячилардан эди. У 1941 йил 22 июль саросима тонгини Бессарабия чегарасида қаршилаган, Днестрдан Днестргача, Днестрдан Волгагача, Волгадан яна олға — фарба, Нарва соҳилиға — шунчалар заҳматли йўлни ўт ичида омон кетган, омадли солдат, жасур солдат, абжир солдат эди. Келиб-келиб Шарқий Пруссия остонасида — ана шу душман ерининг қора шарпасига кўзи етиб турганда аччиқ тасодиф заволига учради. Унга, уни қуршаб турган қуролдошларига — ҳаммаимизга шуниси алам қиларди.

Уни машинаға ортиб, госпиталға олиб кетишди. Бир неча кундан кейин худди шу машинада мени ҳам госпиталға олиб кетишди. Аммо, мен госпиталға душман ериға қадам қўйиб, Шарқий Пруссиядан кетдим, беармон кетдим.

Валя бир неча марта мени излаб госпиталға келди. Қаердир бўруқ кутиб, нафас ростлаётган қисимиздан, қуролдошлардан соғва-саломлар келтирди. Иван Ефимовичнинг саломини менга, менинг саломини унга етказиб турди.

Ғалаба кунини Вологда ёнидаги кичик бир шаҳарчада кутиб олдим. У ердан санитар поезд хизматига, ундан уйға жўнадим. Фронтчи дўстлар билан алоқа ҳам узилди-қолди.

Эндиликда, қарийб чорак аср олдин йўқолган қадрдон изларининг, ҳар томонга тўзғиб кетган азиз кишиларнинг топиллиши хаёлимга ҳам келмаганди. Бирдан хат! Ўша Валя, ўша Иван Ефимович! Менинг жонажонларим! Валя — Иван Ефимовичнинг хотини. Бола-чақали бўлиб кетишган... Демак, ўзлари зимдан ганини пиштириб юришган экан-да, шайтонлар! Термоснинг сергўшт, серёғ овқатларға тўлиб келиш сирини, Иван Ефимовичнинг ерга қараб ҳиринг-ҳиринг қулишини, Валянинг чарх уриб госпиталға қатнаганини энди тушудим. Чорак асрдан кейин тушунибман. Одамлар менга, соддасан, дейишарди. Эҳтимол, соддалик ҳам бир бахтир. Йўқса улар мени йўқлашармиди.

Бригадамиз бир йиллик топшириқини саккиз ойда бажарди. Сабоби: кўп қаватли биноларин тез ва тежамли монтаж қилиши йўлини топдик. Уни прогрессив метод деб аташди. Ҳамма ерда оғизга тушиб кетдик. «Строительная газета»да суратимни босиб чиқаришди. Гўё янги методи бригадир, яъни мен ўйлаб топган, ҳамма ишини мен дўндирган эмишман! Ваҳоланки, ҳаммаимиз, бутун бригада аъзолари кўн ўйлашиб бир фикрга келишган, у йўлни ўшандай қилиб топгандик. Эндиликда эса ҳамма шундай қилипти, бу янгилик бўлмай қолди. Майли, бинокорлик санъати шундай, бировдан бировга ўтиб бойишди экан.

Ушандан буён мана бир йил бўлай деб қолди. Узлуксиз хат олишиб турибмиз. Улар бизни меҳмонга таклиф қилишди, биз эса уларни. Биз ҳам ана борамиз, мана борамиз, дейимиз, улар ҳам. Лекин ҳеч тўғри келмаяпти. Дарвоқе, Иван Ефимович ҳам бизнинг методиғи ўз бригадасида жорий қилиб юборганмиш. Жуда хурсанд бўлиб хат ёзди. Ҳа, Украинани методимиз этиб бордию, ўзимиз, ҳар қанча таппинас ҳам, боролмайамиз. Ҳа, майли, келиб қолишар. Боғ-поллизлар пишиғида келишсаиди, шайтонлар!

Валянинг чехраси тонг шафағидек балқиб турарди. Валя эшикдан «Жонажон!» деб кириб келаятгандай бўлади баъзида.

Ургачи.

# Муца жалилнинг «Муца жалилнинг дусту»

Бу воқеага олти йил бўлди. Олмалиқдаги бинокорлар клубида концерт бўлаётган эди. Конферансе Муца Жалил шеърига ёзилган «Қиз қўшиғини» Ғараф Фахритдинов ижро этишини эълон қилди. Бир дақиқалик сукутдан сўнг ажойиб, тўлқинлантирувчи овоз зални янградиб юборди. Шу концертдан кейин, ўтган йиллар давомида қаҳрамон-шоир Муца Жалилнинг содиқ сафдоши Ғараф Кашшофович Фахритдинов билан тез-тез учрашадиган бўлиб қолдим.

Киев учун олиб борилган шиддатли жангда оғир яраланган Ғараф Фахритдинов немисларга асир тушиб қолади. Қошига уринишлари муваффақиятсиз чиқади. Кейин уни қийноқ ва сўроқлар билан ҳўрланган, тинкиси қуриган ва кишанланган ҳолда Польшанинг Демблин шаҳридаги қалъаға кўчирилади. Очлик, битмаган яра оғриқлари Ғарафни оёқдан қолдирган эди.

У аста соғая бошлади. Бир куни ҳазин қўшиқ айтиб турганида ёнида нотаниш бир маҳбусни кўради. У ориқ ва ранглар, аммо унда қандайдир қатъий ишонч, журъат ва ирода кучи сезилиб турарди. У унинг Гумеров деб танипти, қўшиқ ва шеър ёзишини айтиди. Ғарафнинг қўшиқ айтишини мақтади.

Бир неча кундан кейин ҳарбий асирлар билан бирга Ғарафни Рада шаҳри яқинидаги бошқа лагерға кўчирди. Бу ерда уни татар-бошқирд «Эдил-Урал» легионига қарали «маданий гуруҳ»ға Қозон филармонияси артисти сифатида қабул қиллади. Аслида когонлик Ғараф Қозонда ҳеч қачон бўлмаган ва артист ҳам эмас эди.

У ерда у «легионер»лардан Абдулла Баттолов ва Ғайнан Қурмаш қабилаар бил-

Питерлик номаълум ҳайкалтарош ясаган ҳайкал. Олдин ва буюк инсон ҳайкали. Нева бўйидадан Тогтеги қишлоғига, дарёлар, тоғлар, боғлар, ўрмонлар оша уни ким келтирган? Қачон, қандай?

Темир йўздан миғг қақирим, район марказидан юз эллик қақирим йироқда, Олой ва Фарғона, Қурама тоғлари ичкари-сидига қадимий қишлоқ. У ерга фақат битта йўл боради. Дара

ёзишган. Энг юксак гранит қоғга нозик ўймакорлик билан Ильяичинг портрети ҳам чизилган. Остида «1940 йил апрель» деган ёзув. Бу — қишлоқ расоми Эгамберди деган йигитнинг санъати. Эгамберди Ҳамроқулов 1943 йилда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган...

Тогтеги қишлоғида колхоз ҳам, ўрта мактаб ҳам, энг катта кўча ҳам Ленин номи билан аталади. Тоғ қизлари «Ленин

## Х А Й Ё А Л

йўли. Бошқа томондан йўл йўқ. Чор атрофи баянд тоғлар билан ўралган. Қорли тоғлардан, тошдан-тошга урилиб тушган Оқсув билан Қорасув шу қишлоқда туташади. Соининг икки қирғоғида сув устиға қурилган қатор чойхоналар ёз ойларида жуда гажув бўлади.

Қишлоқ ўртасида кўм-кўк арча ва турли гуллар билан безанган чоғроқ майдон бор. Ана шу майдонда доҳий Ленин ҳайкали қуёш нурида олтинлаб турарди.

Енбағир қояларда «КПССга шон-шараф!», «Яшасин тинчлик!», «Ленин — доим барҳаёт» деган ёзувлар кўзға ташланади. Бунд Тогтеги пионерлари ўйиб

номи тоғларда, боғларда, мактаб ва гулзорларда» деб қўшиқ айтишади. Бу қўшиқнинг сўзини ҳам, кўйини ҳам ўзлари тўкишган. Қисқаси, Ильяичинг номи Тогтеги ахлининг дилиға жуда яқин, юрағига ўрнашган, азиз. Энди, шундай савол туғилиши мумкин: хўш, тоғлар орасидаги бу узоқ қишлоқда Ленин номи неға бу қадар азиз, бу номи бу ерда биринчи бўлиб ким тилға олган? Ленин кўчаси туташган чорраҳада катта сада бор, ёнида баянд йиллапод. Зинадан чиқсангиз бир танобча боққа кириб борсан: пионерлар лагери, қишлоқ Советининг биноси, чойхона ва иккита каттакон ҳовуз.

лан яқиндан танишди. Улардан ҳалиги Гумеров — таниқли татар шоири Муса Жалил эканлигини билиб олди. Кейинчалик дўсти Рушад Ҳисомитдиновдан Муса Жалил ташаббуси билан ташкил этилган яширин антифашист ташкилотига «маданий гуруҳ легионери» сифатида жалб қилинганлигини билиб олди. Шундай қилиб, Ғараф Фахритдинов шоирнинг содиқ сафдошларидан бири бўлиб қолди. Муса Жалил тез-тез лагерьга келиб турар, бундай пайтларда Ғараф унинг оқтиросли кураши сифатида битмас-туганмас ирода кучи маҳллэ бўлар эди. Ҳақиқат эса чарчаш нималигини билмай, шоирнинг янги-янги шеърларини кўшиққа айлантириб, айтиб юрар эди. «Ҳаваскорлар тўғараги»ни Рушад Ҳисомитдинов бошқарар эди. Муса Жалил ҳар гал келганда тўғарак ишлари шахсан ўзи кузатар, Ғарафга янги шеърларини берад эди.

Муса Жалил мандолинани яхши чалар эди. Ғараф Фахритдинов янги кўшиққа куй танлар эди. Бу оддий кўшиқлар аслида жанговар варақалар вазифасини ўтаб, ғалабага бўлган ишончини муस्ताҳкамлар эди.

Муса Жалилнинг исёнкор шеърлари қўлдан-қўлга ўтиб, кўчириб олинар эди. Ғараф Муса Жалил билан охири марта 1943 йилнинг ёзда учрашди. Ҳақиқат эса унинг шеърини «Видолашув» маршини берди. Ғараф Кашшофович марши шу заҳотлэқ ўрганиб олди, икки эгди. «Маданий гуруҳ» Муса Жалил келишига шоир яхши кўрган Абдулла Тўқай асари бўйича «Шўрвали» комедиясини кўйишга таяёргарлик кўрар эди. Комедияда баш ролини Ғараф Фахритдинов ижро этиши керак эди.

Лекин томошани кўрсатиш имкони бўл-

мади. Фронтта юборилган «Эдил-Урал» легионининг биринчи батальони (у фашистлар режасига кўра, Қизил Армияга қарши курашиши керак эди) немис офицер кўриқчиларини қуролсизлантириб, яқсон қилади ва партизанлар томонига ўтиб кетади. Аммо Муса Жалил ва унинг бир қанча сафдошлари бир соғқин дастидан қўлга тушдилар ва Берлиндаги Моабит турмасига ташландилар. Нацистлар легионерлар отрядини тарқатиб, уларни Совет Иттифоқига қарши қўйиш фикридан воз кечишга мажбур бўлдилар.

Ғарафнинг Моабитдан қочиши муваффақиятсиз чиққач, бошқа кўп маҳбуслар қатори уни ҳам гитлерчилар зудлик билан Франциянинг Ле-Пуи шаҳридаги концлагерьга юбордилар. Аммо юртдошларимиз кўп ўтмай бу ердан қочишга муассар бўлади ва француз партизанлари отрядига қўшилиди. Жангларда кўрсатган жасорати учун муносиб тақдирланади. Қочишдан бир неча кун олдин концлагерьда дўсти Рушад Ҳисомитдиновни учратиб, ундан Муса Жалил ва унинг ўн бир дўсти ўлим жазосига ҳукм этилгани ҳақидаги фожиали хабарини эшитди.

Фашист қийноқхоналарида Муса Жалил, унинг сафдошларидан болалар Ёзувчис ва шоир Абдулла Алиш, ўқитувчи ва шоир Ғайнан Қурмаш, журналистлардан Аҳмад Симеов ва Абдулла Баттоллов, тошкентлик молия ходими Ғараф Шабоев ва бошқалар қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Ғараф Фахритдинов шоирнинг кўп шеърларини ёзда сақлаб, халққа етказишга қасам ичган эди. Ватанига қайтгач, у ёдигади шеърларини эста тушириб, машҳур «Моабит дафтари»га киритди, йигирмага яқин кўйиш ва шеърларни Татаристон Ёзувчилар союзига топширди.

Бу сатрлар авторига ҳам Ғараф Фахритдинов Муса Жалилнинг «Моабит дафтари»га кирмаган Йигирмадан ортиқ шеърини берди. Бу шеърлар ҳозир ўзбек китобхоналарига ҳавола қилинди. Бу шеърларнинг асл қўлёзма нусхалари Қозонда, Давлат музейида сақланмоқда.

Ўтган йилнинг кузда мен Муса Жалил бўлган жойларда, ГДРнинг Берлин, Дрезден, Лейпциг шаҳарларида бўлдим. Ёзувчи Леон Небенцаль ва шоир Эрих Мюллер билан учрашдим. Улар менга кўп эзодир ҳужжатларни кўрсатишди. Леон Небенцаль фашист маҳкамаларида қолган баъзи ҳужжатларни Муса Жалилнинг энг яқин сафдошлари журналист Аҳмад Симеов ва тошкентлик юртдошимиз Собир молия ходими Ғараф Шабоевни қатл этиш ҳақидаги ҳужжатни кўрсатди. Москва, Қозон, Берлин, Дрезден, Олмаота, Уш, Оренбург ва бошқа шаҳарлардан янги-янги ҳужжатлар, хатлар, мақолалар, газетажурналлардан кесиб олинган парчалар келиб турибди. Бу ҳужжатлар Муса Жалилнинг матонатли кураши ҳақида, унинг сафдошлари ҳақидаги қимматли ёлгорин тарихисиде бизга табарруқдир.

Баъзан икки дўст — Ғараф Фахритдинов билан Рушад Ҳисомитдинов учрашиб, бир-бирлариникида меҳмон бўладилар, кечмиш кунларини эслашиб, Муса Жалилнинг ўлмас қўшиқларини бирга айтадилар.

Олмалик дурлишида ўн етти йил ишлаган Ғараф Фахритдинов энди Тошкент қурилишларида жонбозлик кўрсатмоқда. Унинг қўли билан ўнлаб бинолар қад кўтарди. У илгор ишчи, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Исҳоқ ЗАБИРОВ.

Тўйхат

ҲАЁТ ОҒУШИДА



Уз халқи тарихида сезиларли из қолдириш муқаддас оруздир. Юсуф оға «мен муносиб из қолдирдим», деб дадил айтса бўлади.

Юсуф Болат 1909 йили Қрим областининг Алушта шаҳрида намбағал оилада туғилди, Ялта ўқитувчилар тайёрлаш техникумида ўқиди, кейин Симферополь педагогика институтини битирди. Шундан сўнг, ВКП(б) Марназар Комитети қошидаги марксизм-ленинизм классикалари асарларини таржима қилувчилар курсида таълим олди, Қрим ёзувчилар ташкилотига масъул ходим бўлиб ишлади. 1937—1941 йилларда Ялтада чиқадиган «Совет адабиёти» адабий-бадиий журнаliga муҳаррирлик қилди.

Ёзувчи астойдил ижод билан бирга, жамоатчилик фаолиятини ҳам давом эттирди. 1944 йилдан 1961 йилгача Булунгур район партия коми-

тетига пропаганда бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. Ҳозир эса «Ленин байроғи» газетасида муҳаррир уринбосари.

Юсуф Болат адабиётга 20-йилларда кириб келган эди. Унинг биринчи ҳикояси «Қўнғирроқлар чалинганда» (1920) динга қарши мавзуда ёзилган. Шундан кейин, «Янги дунё», «Совет адабиёти» журналларида ёш ёзувчининг очери ва ҳикоялари бирин-кетин чиқа бошлади.

Қрим татар адабиётида Юсуф Болат биринчилардан бўлиб катта эпин жанрга йўл очган ёзувчидир. 1940—1941 йилларда унинг афсонавий халқ қаҳрамони ҳақидаги «Аним» романи эълон қилинди. 1962 йилда авторнинг «Соф кўнгил» деган иккинчи романи босилиб чиқди, бу йил унинг «Анифа» деган янги романи китобхонга тақдим этилди.

Адибнинг кейинги романилар ва кўпгина янги асарлари республикамиз меҳнатнашлари — пахтакорлар, нефтчилар, геологлар ҳаётига бағишланган бўлиб, китобхоналар томонидан қувонч билан кутиб олинди.

Юсуф Болат фақат прозада ишлаш билан чегараланмади. Унинг кўпгина пьесаси ҳам бор. «Тўй давом этади» комедиеси театр сахналарида катта муваффақият билан кўйилиб келади.

Юсуф Болатнинг адабий танқидчилик соҳасидаги хизмати ҳам катта. Қрим татар адабиёти классикалари Б. Чўбозода, М. Сулаймонов, Р. Халилов ва бошқалар ҳақидаги натор илимий-танқидий маюлолар унинг қаламига мансубдир.

Юсуф Болат ҳали кучга тўла, инюдий фаолияти авжиде, у совет адабиёти ва маданиятини ривожлантиришда кўп ва астойдил хизмат қилади. Юсуф оға, олтимш ёшингиз муборан, инюдингизда янги муваффақиятларга эришинг!

А. БАЛИЧ.

Воқеани ана шу чойхонани содлан Болтавой ака айтиб берди.

1929 йил 5 март. Қишлоққа бир комсомол шоир келиб, шу тепалиқдаги чойхонага халқни тўллади. Янги ҳаёт ҳақида гапирди. Кейин қизил алвонларга араб алифбесига шиорлар ёздириб, чойхона айвонига осдиради. Бу ишда шоирга чойхоначи Болтавой ва унинг укаси Тешавой ёрдамлашади. Эртасига чойхона сахни ясатилиб, стол, стуллар қўйилиб, шоир бошчилигида қизил бурчак ташкил қилинади. Кейин яна халқни тўллаб ишчи-деҳқон ҳукумати ҳақида, унинг асосчиси В. И. Ленин ҳақида шеър ўқийди. Сўзининг охирида алвонга ўроғлиқ бронза бюстни очиб стол устига қўйганда ҳамма ҳаяжонда қарсақ чалиб юборади. Бу ерда Ильични яхши билишган, аммо унинг сиймосини энди кўришган эди.

Ҳақиқат эса унинг бошбала Болтавой ака, укаси Тешавой ва активлар ҳар кеча навбатма-навбат хайкални кўриқлашади. Руҳонийлардан, ҳар хил душманлардан ардоқлашади. «Шу зайдда одалан бир ярим йил ўтди. Кейин колхозлашди. Доҳий хайкали ҳали ҳам турбди. Лекин ўша шоир бошқа қайтиб келмади» — дейди Болтавой ака.

М. БЕК.



Хадича Исмоилова — Лўғумбенинг муътабар онахонларидан. Уни ҳамиша ёшлар даврасида учратасиз. Ёшлар эса ундан ҳамиша бир нарсани — улуг доҳий Ленин билан учрашув дамларини сўзлаб беришни илтимос қилишади.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

пишириб беради. Бугина эмас. Яна бир гуруҳ ёшлар ҳайкал йўниш, гулдонлар ясаш, ганч ўйиш ҳунарини ўрганадиган бўлдилар. Булар кишлоқда шаклланаётган ишчилик касб-корини эгаллайдилар.

— Бугун Лўғумбекда учувчимиз йўн, холос, — дейди қулиб партия ташкилотининг секретари Ҳамид Турғунов, — қолган ҳамма ҳунар эгалари топилади.

Бу гапнинг чинлигига гумон қилувчи топиламаса керак. Чунки ҳозир сув тегирмон ўрнига электр тегирмон, обжувоз ўрнига электр агрегат, жоди ўрнига механик қирғич ишлаб турибди. Буларни электр «тили»ни биладиган юқори малакали усталар бошқаришяпти.

## Ленинни кўрган она

Ҳар юртнинг табаррук қадамжойлари, муътабар кишилари бўлгани ва улар ўша юрт халқининг фахрига айланиб қолгани каби Лўғумбекда ҳам бир онахон яшайди — Хадича Исмоилова. У ўз ҳаётида у қадар катта қаҳрамонлик кўрсатмаган, реювдлар кўймаган. Узоқ йиллар муаллимлик қилган, пиллакор бўлган, холос. Шунга қарамай, ёл ичида она муътабар. Нега? У — бахтли одам. У — жуда кам одамларга насиб бўлган бахт эгаси. У — Ленинни кўрган.

1921 йил. Москвада хотин-қизлар съезди бўлармиш деган хабар Андижонга кечроқ етиб келди. Шунга қарамай, Исмоил аканинг қизи билан яна бир аёл Андижон станциясидан пойтахтга йўл олди. Съезд охиридаб қолган экан. Туркистонлик вакиллари Круская билан Коллонтай қабул қилди. Шу маросимдан кейин кутилмаганда Ленинга дуч келиб қолдилар. Владимир Ильич паранжи ёпинган Шарқ аёлларига қизиқиб қаради, улар билан сўрашди, бир неча савол берди. Уларнинг жавобларни доҳийни наоёатландирди чамаси, жилмайди. Кулимсираганида қовоқларининг икки чети қатланди. Бошини қия эгиб хайрлашди-да, коридордан тез юриб узоқлашди.

Шундан бери қирқ саккиз йил ўтди. Хадича она бу ҳақда кимларга ҳикоя қилмади кимларнинг ҳавасини келтирмади. Одамлар ундан Ленин таърифини сўрашдан тийилмади, у эса сўзлаб зерикмайди. Ҳар гал бу ҳақда гапирганида ўша йигирма биринчи йилги ҳисси боягидек тақрорланади, бундан Хадича она олам-олам завқ олади...

Рустам РАҲМОН

Андижон область, Избоскан райони.

# Хикоятга ноҳий сатрлар

## ЯПРОҚ

Япроқ — фақат либос эмас, илдишларнинг илҳами,  
Қизил гул эса боғбон эҳтиросин гулхани.

## ГУГУРТ

Миллион тонна кўмир чиқаролмас ўт,  
Тилин тенкизмаса бир донга гугурт.

## БАЛИҚ

Тирик балиқ паллада тилпирчилар норози:  
— Жон қадрини қачондан улчар тошу тарози?

## СУМАЛАК

Совуқ ҳукми билан қотмиш тарновда,  
Қишнинг дарахтидан битта муз новда.

## ТИЛ КИМДАУ ДИЛ КИМДА

Қўнғироқ таланти — тилида,  
Шоирини эса — дилида...

## ҚАНОТ

Орзу нима? Асрларча синмас бир қанот,  
Қуш қаноти шу орзудан юлинган бир пат.

## СОАТ

Соат, минут, ҳатто секундлар  
Инсон умрин бошлар, яқунлар.

## ЕЗ

Езнинг қозонида қайнар тўкинлин,  
Бундан бўёғига яшаш текиндек.

## ИККИ КЎЗЛАБ...

Икки кўзлаб кўрдим мен, қуш қулоқлаб  
эшитдим,  
Аммо ўзим дард чеккач, дард нелигин ҳис  
этдим.

## ЖЕЗ ҲАҚИДА

Жез бўлмаса билармидин тилланинг  
тиллалигин,  
Шунчалик фош этармидик ҳилланинг  
ҳиллалигин.

## ДАСТА ГУЛ

Даста гулни дейман бир даста қисмат,  
Тентак бузоқча бу бир чимдим овқат.

## ҚАЛАМПИР

Қалампир аччиғи қайдан? — урудан,  
Тупроқ холис турар йўлу йўригдан.

## НОЛЬ ҚАДРИ

Ноль қадрини топади ёнига чексаиб рақам,  
Ер юмалоқ ноль, холос, рақами тирик одам.

## ЖАЛЛОДГА ЖАВОБ

Тавбанга зормасми, бўлгил хотиржам,  
Ҳеч ким тавба талаб қилмас қотилдан.

## ОСТОНА

Обғим остида ётган оддий остона  
Не тақдирга гувоҳ, мавзу не-не дostonга...

## БЕМОРЛИНДА

Сумбула сувидан ичдим бир қултум,  
Тирик эканимни тагин ҳис қилдим.

## КЎЗ

Қалбнинг ва ақлнинг деразаси — кўз,  
Ки уни тош эмас, синдиради сўз.

## БАТАНИМ

Кўзда қувонч ёшим — қалбим баёни,  
Унга жо қилолдим меҳринг, поёнинг.

## ИФФАТ

Ним табассум қилдинг, юзинг долагун,  
Энди сендан мангу кўзим олмагум.

## АЛИНСИЗ САЛОМ

Алинсиз қолган салом кўзсиз чеҳрадир,  
Шу лаҳза ёруғ олам, тонг шафағи хирадир.

## ҚЎШНИЧИЛИК

Қўшничилик туташ девор-дармиён эмас,  
Пайванд бўлсин қўлга-қул, нафасга нафас.

## МАНСАБ МАНСАБИМ?

Мансабга минай деб сота виждону тўнғача,  
Керак бўлса мансаб кўтарилсин сенгача.

## ХЎРСИНИҚ

Бирдан келадиган налта хўрсиниқ  
Кулгидан, йиғидан самимий, тиниқ.

## ҚАРИГАН ЯЛПИЗ

Баҳор бошидаёқ қариган ялпиз  
Сувга тушин айтар ёз бўйи ёлғиз.

## ИШЧИ ЙИГИТ

Олов сачратиб темир пайвандлар йигит,  
Аммо юмшоқ қалбини бир қалбга улолмай  
хит.

## БОҒЧА МУРАББИЯСИГА

Келажак прятяпсиз сиз шу тобда боладан,  
Асраб беринг уни сиз ёлғон деган балодан.

## КАПАЛАК ВА ЧАҚАЛОҚ

Чақалоқ қийқирир, капалак ўйнар,  
Она эса Хиросимани ўйлар...

## ҚЎШИҚ

Шеър — қўшиқ бўлмаслиги мумкинudir гоҳо,  
Қўшиқ-чи? Шеър бўлмоғи шартдир доимо.

## КИТОБ

Гоҳо китоб отанг каби берар маслаҳат,  
Гоҳ ёр каби: соғинасан, қилмасанг суҳбат.

## ШАХМАТ ШОҲИГА

Минг марта мот бўлиб, минг марта тагин  
Жанг қилмоқча қандай келиринг чоғинг?

## ҚОВОҚ СОЛИШ

Битта табассум, ё бир қовоқ солиш  
Гоҳ тақдир деган гап, огайин чалиш.

## СОҒИНЧ

Айрилиқ, ҳижрондан соғинч тугилар,  
Соғинчсиз ишқ ҳидсиз гулдай туюлар.

## ҒИЙБАТ

Одамдан чиқа солиб ёпишар у одамга,  
Бир хилда чангал солар зиңнага ва ҳотамга.

## КИТОБЧАМНИ КУРГАНДА

Магазинда эмас, кўрдим сени шеърхон  
қулида,  
Сарғайибсан, шукр, юракларга етмоқ йўлида.

## ОТАМНИ ЭСЛАБ

Ун уч йилги йўқсиз, ўн учда ўғлим,  
Ўғлим билан ўсар қувончим, ғамим.

# «ИЖОДКОР ДЎСТЛАР»

Тожики ва ўзбек халқлари ўртасидаги азалий дўстлик сўнги йилларда янада ривожланади. Инки республиканинг адабиёт ва санъат ахли ўзаро фикр оlishади, маслаҳатлашади, тез-тез учрашиб туради.

Ана шундай учрашувларнинг энг қизиги 1968 йили Ўзбекистонда бўлиб ўтган тожик адабиёти ва санъати ўн кунлиги ва Тожикистонда ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги вақтида бўлди. Ўн кунликлар муносабати билан ўзбек ёзувчиларининг кўп асарлари тожик тилида ва тожик адибларининг энг яхши китоблари ўзбек тилида кўп нусхада нашр этилди.

Ғафур Ғулום номидаги бадиий адабиёт нашриёти чиқарган «Ижодкор дўстлар» номли тўплам шулардан биридир. Бу тўпламда тожик адабиётининг кўзга қўринган намояндаси — Садриддин Айний, Жалол Икромий, Сатим Улуғзода, Раҳим Жалил, Фотеҳ Нийзий каби йирик прозасанлари, Абулқасим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Мирсаёид Миршанар, Ҳабиб Юсуфий, Абдулло Дехотий каби шоирлари, Ғани Абдулло, Файзулло Ансорий, Аъзам Сидқий каби драматурглари, Шарифжон Ҳусайнзода, Абдулгани Мирзаев, Носиржон Маъсу-

мий каби адабиётшунос ва адабий таққидчилари (ҳаммаси бўлиб 47 автор)нинг асарлари ва улар ҳақидаги ижодий биографик маълумотлар бор. Китобда Тожикистонда яшаб ижод қилувчи рус ёзувчилари М. Левин, А. Одинцов, М. Фофанова, В. Кириллов, шунингдек Тожикистонда яшовчи ўзбек шоирлари Аширмат Назаров, Маҳмуд Тўлқин ўртоқлар ҳам қатнашган.

Тўплам ўзбек адаби Асқад Мухторнинг «Ушш омадёл қадрлонлар» деган муқаддимаси билан бошланади.

Тожик совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет адабиётининг йирик вакилирдан бири С. Айний шундай деган эди:

«Ёзувчиларимизни ҳамжиҳатлик билан ишлашга, бир-бирларига қўмаклашшига, ижодий алоқада бўлишга ўргатишимиз керак. Ёзувчилар коллективининг жинслигини доимо ёътиборда тутмоқ лозим. Коллектив ўзаро фикр ўртоқлашганда, камчиликларни кўрсатганда, кўпчилик бўлиб ишининг муваффақияти учун курашганда, кишининг завқи келади. Коллективларнинг дўстона яшати, ҳамжиҳатлиги ишининг муваффақиятидан дарак беради».

Биз бугун шундай муваффақиятларни тожик ва ўзбек адабиётида яққол кўраман. Тожик шоири Воқо Раҳимзода айтганидек:

«Ўзбек ва тожикининг бирдир авлоди, Айғити паҳлавон, қизлари нозин, Ким кўрса тўсатдан сўраб қолади: — Биродар, сен кимсан, ўзбекми, тожик?»

«Ижодкор дўстлар» тўплами кенг китобхоналар оmmasига мўъжааллаб тузилган. У қарлов тожик адабиётини севувчи китобхонларимизга яхши совға бўлади.

Н. ШАРОҒЗОДА.

## МУМИЙИ АСЛ

Қадим замонлардан бери шарқ халқлари орасида турли касаликларни даволашда мумийи аслдан кенг фойдаланилган.

Халқ ани мумийида ва қадимий қўлэмаларда мумийи ҳақида қизиқ-қизиқ афсоналар бор. Эрон шоҳи Фаридун овча қиқанда бир кийинки ярадор қилган экан. Лекин кийин яширинишга улғирибди. Бир неча кундан кейин ўша кийин яна пайдо бўлган. Кийиннинг сағрисида ёй осилиб турган эмши. Ярадор кийин ўша атрофдаги бир горга кириб қойиб бўлибди. Фаридун ўз навкарлари билан горга кириб қараса, ярадор кийин тош бетига сизиб чиқиб қотиб қолган қора нарсани ялз ётган эмши. Шоҳ бу қора нарсадан олдириб, саройга келтирибди ва уни сарой тиббларига топширибди. Текшириб қаралса, бу мумийи асл экан.

Саройдаги тибблар мумийи турли уй ҳайвонлари ва кушларда синаб кўришганиги ҳақида ёзма маълумотлар бор. Улар оёғи синганини ярасига мумийи сурганлар. Синининг битишидан мумийининг сифатини аниқлаганлар.

Аристотель ҳам бу шифобахш дорини турли касалларга даво деб айтган ва бир қанча тажрибалар ўтказган. У соғлом қўйнинг кўрак қафасини очиб, жигарини кесган ва ярасига мумийи суртиб тиккиб қўйган. Агар кесилган жигар тезда битиб кетса, бундай мумийи сифатли деб таърифлаган.

Қадимий Шарқ тиб қўлэмаларида мумийининг икки хил бўлиши айтилади. Биринчиси, Ҳиндистон тоғларидан олинандиган «Салажда мумийеси», қорамтир, ҳидсиз бўлар экан, иккинчиси — Эроннинг Доробин тоғларидан олинандиган мумийи, тўқ жигар ранг, ўзига хос ҳидли, деб таъкидланади. Қадимги манбаларда ўрта Осиё тоғларида мумийи бор-йўқлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, биз геологик қидиришлар натижасида (1956—1963 йиллар) Туркистон, Зарафшон, Чотқол, Курама, Копет-Дог тоғларида 60 га яқин мумийи манбаларини аниқладик.

Ўрта Осиё мумийеси тўқ жигар ранг ва қора рангли бўлиб, ўзига хос хушбўй ҳидлидир. Унинг қаттиқлиги муҳитга, таркибидаги намликка, ҳаво температурасига боғлиқ. Мазаси тахирроқ, Солиштирма оғирлиги сувниқидан 2,13 марта оғир. Ёндирилганда 3,8 процент кул қолади. Салқин ҳавода қотаяди, 30 даража ҳиссида ғрийди. Кимёвий таркибида 25 дан ортиқ микроэлементлар бор. Ҳозирги

вақтда мумийи аслдан фақат суяк синганда эмас, бошқа касаликларни даволашда ҳам фойдаланиш мумкинлиги аниқланмоқда.

Мумийининг қандай пайдо бўлиши ҳали ечилганча йўқ. Бу ҳақида бир қанча мулоҳазалар бор. Айрим мутахассислар мумийи нефть маҳсулоти бўлса керак дейдилар, айримлари эса тоғ маъдани, айримлари уни ёввойи арийнинг асли, ҳаттоки арча ва тутнинг шарбати деган фикрлар ҳам уртага ташладик.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, мумийи асл ўрта Осиё тоғларида, асосан, арча поясида, яъни денгиз сатҳидан бир минг беш юз-уч минг метр баландда, тоғ жинсларининг ёриқларида, горларда мум ва ҳар хил органик молдалар, тош-қум билан аралаш ҳолда учрайди. Яна шуни ҳам айтиш кераки, тоғларда мумийи манбалари кунгай томонда бўлади. Мумийи аслининг пайдо бўлишида иқлим шароитининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Қидирув давомида мумийи аслга тоғда яшовчи ҳайвонлар, қўшлар ва ҳаттоки айрим ҳашаротлар ҳам ўч бўлиши аниқланди.

Илгари донишмандларнинг «яраданган ки-


Яйнинг кетидан қолма, у сени мумийи бор жойга элтади», деган гаплари беиз эмас. Айрим горларда биз ҳатто кийининг синган оёғи мумийига ботиб, мумийеланиб қолганининг гувоҳи бўлдик.

Ҳозирги замон медицинаси қадимий Шарқ тиб илмининг бой меросини ўрганиб, ҳаётга кенг татбиқ этмоқда. Шу жумладан, мумийи хусусиятлари ҳам ҳар томонлама текширилмоқда. Айниқса Тошкент травматология-ортопедия илмий текшириш институти бу соҳада тузуқина ишлар қилди. Чотқол ва Туркистон тоғларидан келтирилган мумийи аслини кимёвий-физик, радиоактивлик хусусиятлари ўрганилди. 500 дан ортиқ қувв, ил, сичқонларнинг оёқ суяклари мумийи билан даволанди. Рентгенология, гитология, биохимия лабораториялари ва клиникада ўтказилган бу тажрибаларда мумийи синган суякни тез даволаши аниқланди.

Мумийи аслининг кучи беморларда ҳам текшириб кўрилди, бу кунгидагидаги натижа берди: суяги синган беморларнинг деярли ҳаммаси тувалди ва иш қобилияти тикланди. Демак, мумийи асли суяги синган беморларни даволашда кенг қўллаш мумкин.

А. ШОКИРОВ,  
медицина фаилари доктори.

З. ҲАКИМОВ,  
Тошкент геология трестининг  
геологи.



Ўртада мумийеланиб қолган кийин оёғи.

# Келажак бугундан бошланади

— Ҳе, ака бу йилги қиш ёмон бўлди-ку! — деди бизга йўлдош бўлган Назар Эшқўзиев. — Томин ердан ажратиб бўлмайди. Соғга тушган қорнинг қалинлиги ўн тўққиз метрга етибди, қаранг! Қўрадаги қўйлар ташқарига чиқа олмай қамалиб ётди-да! Емни ҳам, бор бугдойни ҳам едириб бўлди. Камшиксойда ўн етти хўжалик қишлаб қолганимиз, ака, йўл йўқ. Оҳангарон, Тошкент, Ленинobod, Қўқон орқали беш юз километрли айланма йўл билан Ғурумсаройга етиб бордим. Идорага кирсам ҳамма ҳайрон. «Осмондан тушдингми?» дейишди.

Раис берган дон-дуини машинага ортти яна изинга қайтдим. Йўлда ўпкани совуқ олдиринмақ қаранг. Йўл идорасига кириб, аҳволни тушунтирдим. Бошлиғи йиғиннинг гули экан, хўп одамгарчилик қилди! «Сен ташвиш торгма Юкининг тракторда юбораман. Ўзинг ҳозироқ касалхонага жўна». — деди. Ангренига етдим-у, йиқидим: бир яриш ой касалхонада ётсам-а. Аммо лекин, ака, битта ҳам молни нобуд қилмадик.

Назар чиройли гапирар эди. Кўпини кўрган жонқур. Ундан қолмадик.

— Аммо бу йил Назарвойнинг бригадаси — тўплаган хашак колхознинг минглаб кўю-сигирига етиб, ортиб ҳам қолади...

— Ҳа-да, ака! — Назар гапни илаб кетди. — Ортганини қўшни колхозларга сотамиз. Ўзлари килосига тўққиз тийиндан тўлаб, ялиниб олиб кетишди. Хў, анов йўл. — Назар тоғ бағрини тилкалаб ўтган қизил чиққиза ишора қилди. — колхозга ўттиз мингга тушибди. Битгандан кейин шу йўлдан қатнаб тўплаган хашагинининг ўзи қирқ беш минг сўмлик бўлди. Ана фойда!

Назар Эшқўзиев билан пионерлар лагерини томоша қилиб юриб, усти ярим ёпиқ иморатга кўзимиз тушди.

— Уни ҳам қор босиб бузганми? — деб сўрадим.

— Ҳе, у ПМКнинг иши! — деди Назар кўл силтаб. Олтинчи еттичи йилдан бери шундай ётибди. Бўлмаса колхоздан пулни тўлиқ олишган-а, нафсинга ўт тушурлар! — Назар бошидан дўнисиёни юлиб олди-ю, кафтга қарс этказиб ураб қайта кийди.

ПМК — Передвижная Механизированная Колонна дегани, яъни қурилиш трестининг бир бўлими. Бу колхоздаги қурилишлари Намангандаги 25-қурилиш трестига қарашли 2-ПМК ўз устига олган.

— Шундай, ака, оған! Аммо лекин-ки... — Назарнинг фиғони чиқиб, тўнғиллади.

— Ҳўш, ўз устига олган экан. Иморатни битказмай нега ташлаб қўйибди?

— Шунисига кулсан-да! — Назар бақириб юборди. — Уч йил бўлди-я, уч йил!

— Бошлиғи ким экан?

— Трест бошқарувчиси Карим Абдуллаев, ПМКнинг бошлиғи-и... улар тез-тез алмашиб туради. Илгари Исаак Нутов деган одам эди, кейин Жабборов бўлди деб айтилган, ҳозир... — Назар бош чайқайди.

Кейинча Пунгом, Қирчи, Ғурумсаройга борганимизда шу қурилиш ташкилоти томонидан чала-ярим қўриб ташлаб кетилган, йиллар давомида кўл урилмай вайронга ҳолга келган устакхона, чойхона-салон, уй-жойларни кўриб дилимиз сиёҳ бўлди.

Мана, колхознинг Қирчи участкасида турибмиз. Рўпарамизда пишиқ гишдан тикланган уй деворлари. Панасида гуваладувог, нураган эски Қирчи кишлоқ кўзага чалинади. Бу йилги қалин қор, қолаверса баҳорги сел, ёғин Қирчинга кўп зарар

етказибди. Дарё яқин эмасми, захдан ҳам анча-мушча томлар ташлаб юборибди. Колхоз вакили, 25-қурилиш трестига кўп қатнабди. Аммо Карим Абдуллаев бош бўлган қурувчилар пинакларини бузмабди. Раис Аҳмаджон Одилов бир эътиборли мажлисда уларни инсофга қақриб гапирганда Абдуллаев писанд қилмай: «Онам мени қўрқмас бўл деган! Мен бундай пўсалиқлардан қўрқмайман!» деб жавоб қилибди. Қизик, қурилиш ташкилоти кўриб беришга ваъда бериб, сарф-харажат учун колхоздан юз минглаб нақд пулни олгандан кейин, ваъдасини бажармасликка қандай ҳақи бор? Бунинг отини жасорат дейилармиши? Қиш яқин. ПМК қурувчилари уч-тўрт йилдан бери битта ҳам гишт қўймаган анави ўн битта чала иморатни тезроқ битказиш чорасини кўришлари, уйга зорикқан қирчиликларга топиришни ўйлашлари керак эмасми? Одамгарчилик шунга тақозо қилди-ку!

Синиқ гиштлар, бетон қолдиқлари уйлиб ётган, куёш тобидан мунгли сўншайган чала уйлارга ич-ичмидан ачиниб тикилиб турганимизда эсимга бир гап келди. Олтинчи еттичи йил Самарқанд областининг Нарпай районига боргандам. Ишлаб чиқарини бошқармасида: «Коммунизм» колхозини олтинчи еттичи йилдан бошлаб янги шаҳарча қурабошлади» дейинди. Колхоз идорасида лойиҳани кўрдим. Эски қишлоқдан четроқда, кенг ялангликда қурабошлашди. Битса жуда гўзал бўлиши аниқ; ҳар бир оилга бутун коммунал қулайликлари муҳайё икки қаватли уй, олдида мезовор боғи ҳам бўлади. Боғча-ю, мактаб, стадион, маданият саройи — бари янги қишлоқ ичиде қад кўтарайди.

Қурилиш майдонига бордик. Ун-ўн беш гектар ер қовлаб ташланган. Йўл четига шийпон. У ерда ўнчача одам бекорчиликдан зерикиб, мудраб ўтиришибди. Бетон қуовчилар экан. Колхоз раиси Шамис Назаров улардан бекорчиликнинг боисини суртириганида, «Бетон йўқ», дейинди. Бетон ташин учун ажратилган биттаю-битта машина бузалиб қолдибди. Шамис Назаров кўкка бир қараб қўйди-ю, ғамгин бош чайқайди:

— Эрта-индин ёғингарчилик бошланади. Пойдевор учун қовланган чуқурларга сув-қор тўлади, нурайди, емирилади... Келгуси йили яна бошқатдан қовлашга тўғри келади. Бу ишларга камнда ўттиз-қирқ минг сарф бўлган. Шунча пул кўкка соғурилди, деваринг! Колхозда ҳар бир чигит учун курашилади, ҳар бир чигит учун жавоб берилади. Ҳайронман бу қурилиш ташкилоти! Уларда жавобгарлик деган нарса бўлмайди, шекилли.

У вақтда «Коммунизм» колхозининг янги қишлоғини Самарқанд областидаги 15-қурилиш трестига қарашли 2-ПМК қурабошлаганди. Бошлиғи Калантаров деган одам эди. Яқинда яна Нарпайга йўлим тушди. «Коммунизм» колхозининг янги қишлоғи ердан бир оз кўтарилибди. Анча чала-чуппа битган иморатлар ҳам кўзга чалинади. ПМКнинг раҳбари ўзгарибди, аммо раҳбарлик услуби ўзгармабди. Шу райондаги Киров номили колхоз ўзининг янги қишлоқ қурилишини кўшнисига қараганда икки йил олдинроқ бошлаган. У ерда ҳам аҳвол худди Қирчи ва Ғурумсаройдай.

Пол районидаги Ленин номили колхознинг қурилиш бўйича раис муовини Сандовнинг ҳисобига қараганда, ПМК ҳозиргача колхозда 109 та уй қурибди. Лекин бирортаси ҳали тўқис қўздан чиқмаган. Генерал

план бўйича яна 695 бино тикланиши керак. Агар ПМК буларни ҳам ҳозирги суръат билан қурса 26 йилда битказар экан.

Олтинчи йил лойиҳаси билан амалга қилиб қолган иморатлар тўқсонинчи йиллардаги кишилар дедига ёқармикан? Бунга ҳам ўйлаш керак. Келажак бугундан бошланади ахир.

Ленин номили колхоз байроғида коллективнинг меҳнат зафарлари белгиси — Ленин ордени порлаб турибди. Бу колхоз шухратига шухрат қўшган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мелиқўзи Умирзоқов, Аҳмаджон Одилов каби ажойиб пахта усталари, Назар Эшқўзиев сингари жонқурлар билан ҳақли равишда фахрланади. Шундай шонли коллектив, шу қаторда Нарпайдаги Киров номили, «Коммунизм» ва бошқа кўпгина колхоз коллективлари ўз пешона терлари билан тоғдан маблағ ҳисобига қурилган дағиллама уйларида, чинакам коммунистик жамяят кишилари дидига мос қилиб қурилган қўлай, бекам-кўст жиҳозланган чароғон, обод, боғ-бўстон қишлоқларда яшашга тўла ҳақлари бор. Улар тўқсонинчи йилларда эмас, ҳозир, олтинчи тўққиз-етмишинчи йиллардаёқ шундай яшашни истайдилар. Уз қадр-қимматлари, куч-қудратларини ҳис этганлари ҳолда, шунга талаб қилаларди.

Албатта, 2-ПМКнинг ҳамма ишини ёмонга чиқариш адолатдан эмас. У юқориде айтганимиздай, Ленин номили колхознинг Ғурумсарой, Пунгом, Тенақўрғон участкаларида 109 объектни кўриб топириди. Ғурумсаройда пушти ранг тоғ-тошию, кул ранг синикат гиштлардан тикланган иморатлар бутун-бутун кварталларни ташкил этади. Асфальт ётқизилган кўчаларнинг икки ёнида ян-яшил чинор кўчатлари ҳозирдаёқ кишининг кўнини қувнатади. Бир неча йилдан кейин шамолда шувуллаб, кўчаларга кун туширмай қўйиши аниқ. Бу кўчалар ҳозироқ қишлоқнинг қирқинчи йилларда қурилган хом гиштли, лой сувюқ томлари, ласткам кўчаларидан фарқ қилади. Фақат, кишининг табиати шундай экан-да: яхши нарсасида бирор доғ, нуқсонни кўриб қолсанг, дилнинг озор чекар экан. Масалан, шу битган уйларида ҳаммом, иситиш батареялари, совуқ сув қувурлари, канализация — бари бор. Аммо ҳеч биттасидан фойдаланиб бўлмайди. Чунки марказий трассасга уланмаган. Марказий иситиш системаси эса чала-чуппа ташлаб қўйилган. ПМК канализация қурилиши учун 1966 йили колхоздан 42900 сўм олган бўлса, ўша йили 12800 сўмлик иш қилиб 30000 сўмлик иш бажарилмади; колхоздан қишлоқ кўчаларини ёритиш учун 5089 сўм, подстанциягача ер ости кабелни ётқизиш учун яна 18000 сўм олинган, лекин бажариниша келганда бари ўлда-жўлда; стадионнинг гимнастика майдони, ечинчи-кўйинчи хоналари девори чала. Ҳатто битди ҳисобланган прожектор миносраси ҳам сал ўтмай ён-бошлаб қолган; хонадонлар қўшиб кирган 83 ҳовли дарвозасиз...

Бавзи колхоз қишлоқлари қурилишидаги бундай сусткашликнинг сабаби нималар? Балки айрим шахсларнинг нўноқлигиндир? Балки қишлоқ қурилиш ташкилотларининг камқувват, ибтидоий ҳолда эканлиги сабабдир. Бу саволга Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрлиги жавоб беролмасмикан?

С. АНОРБОВ,

«Гулистон»нинг махсус муҳбири.

# Оқоғон хазиначиси

Дутор таронаси... Кимнинг эзгу ҳисларини қи-тиқламаган, кимнинг дардига шерик бўлмаган, кимни шодлик дунёсига олиб кирмаган бу ҳаётбахш садолар. Созанда сазини сайратар экан, у ўз қалбидан, ҳисларидан, орзуларидан сўйлаётгандек бўлади. Унга жон ато қилиб, булбули гўёдек сайратган ким? Тордан торга, пардадан пардага йўргалаётган югурик, моҳир қўлларини ё уммон тўлиқларидек шўх, кўк гумбазидек вазимин куйларнинг чашмаси — бастанор юра-гимини?

Дуторга жон ато қилган, мусиқий «тил» берган киши — дуторчи, уста. У — санъаткор, ижод маҳсули эса — фарзанд, то етуқлик даражасига боргунча муаллифга қанчадан-қанча азоб, дунё-дунё севинч келтиради. Ана шу севинч лазаз-тини биринчи бўлиб тотиб кўрган ким?

Биринчи дуторнинг яратилиш тарихи қадим-ги дунё донишмандларидан Афлотунга бориб таъналади. У дутор қорнини ўймадсан, бутун гў-ладан ишлаган экан, пўкиллаган товусдан бош-қа садо чиқмабди. Бир кунни Афлотун кўчада кўшиқ айтиб ўтаётган кишиларни учратиб, улардан сўрабди:

— Қаёндан келяписизлар?  
— Зийфатдан,— деб жавоб беришибди йўлов-чилар. Уларнинг овози бўғиқ ва хира экан. Улар неча кундан кейин улар яна ашула айтиб ўтиб қолишибди. Бу сафар уларнинг овози жанглиги ва янграқ эшитилибди.

— Йўл бўлсин!— сўрабди Афлотун.  
— Зийфатга,— дейишибди йўловчилар... До-нишманд дуторнинг ҳам қорни бўш қолса, жаранглироқ чалинар, деган умидда уни ўйиб ишлабди. Шундай қилди, дил розини одамлар-нинг туйғуларига пайванд қилувчи чолгу асбо-бларнинг тўнғичи — дутор яратилган экан...

Бу ривоятни ҳикоя қилиб берган Усмон ота бутун Ўзбекистонга донги кетган дуторчи уста-лардан. Уста бу анойиб, серзаъқ насабини эгалла-гунча не-не уюбатларини тортмади. Ота болали-гидан ҳикоя сўзлайди:

— Бир кунни кўчада дутор чалаётган йигит-ларни кўриб қолдим. Куй мени сеҳрлаб қўйган-дек, дутордан кўзларимни узолмасдим. Уйга қайтгач, тахтакача от қилидан тор тортиб, ўйин-чоғ дуторча ясадим. Ундан қийаётган товусда куйдан кўра шовқин кўпроқ бўлса-да, мен олам-олам заъқ олардим. Чолгу асоби ясагча иш-қиёз бўлиб қолдим. Ташкентлик машхур уста Ташбой Султоновни сўраб бордим. У вақтларда баъзи усталар хўнарининг сирини пинҳон тути-шарди... Уста Ташбой ҳовлисда ўн беш йил хиз-мат қилганимдан сўнг дутор ва бошқа хил чо-лгу асбоблари ясашни ўрганиб олдим.

Уста Усмон 1920 йилга келиб, устозининг Чорсудаги дўконидан чиқиб нетади. У керакли асбобларнинг баъзиларини ўзи ясаб, баъзиларини сотиб олиб, кичинагина устахона очади. Дастлаб ёш Усмонга дабдурустанд йирик ишлар-ни ишониб топширмайдилар... Ленин у тез ора-да удабуронлигини кўрсатди. Ёш Усмон тузат-ган асбобларни янгисидан фарқлаб бўлмасди. Уста тез орада Ташкентга доврўқ таратди...

Урта Осиё халқлари инқилобдан сўнг миллий маданиятни яна ҳам гуриратишга, унга янги социалистик мазмун беришга киришдилар. Уста Усмон ҳам четда турмади. У чолгу асбоблари-нинг янада такомиллаштириш, овозини балан-длаш, ташиқ нўрининини дилбарлаштириш ус-тида меҳнат қилди.

Уста Усмоннинг асбоблари 1937 йили Москва-да бўлиб ўтган Ўзбекистон санъатининг биринчи ўн кўнлигида кўргазмада намойиш қилинди. Москвалик санъат мухлислари уста Усмоннинг дутор, танбур, чанг, доира наби асбобларидаги нозик таъб, юксак дид билан терилган нақш-ларга, созаларнинг жарангига қўйил қолди. Уста-нинг маҳоратини машхур давлат арбоби Усмон Юсупов қадрларди. У устанинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турарди.

Шу вақтгача янги шакл излаган уста анъана-вий шаклнинг ўзи мукаммал эканини англайди.



У энди асбобнинг кўркамлиги ва овозининг сиф-тали бўлиши устида бош қотиради. Шу маъ-садда машхур ўймакор усталарга шоғирд тушиб, уларнинг хўнарини нунт билан ўрганади. Уста Усмон ёғоч ўймакорлигини биринчи бўлиб ду-тор, танбур, рубога татбиқ қилиб, асбобнинг гўзалроқ бўлишига эришди. Кўрман, сернақш чо-лгу созандаги илҳом, эҳтирос бахш этишини яхши тушунади уста. Дарҳақиқат, устанинг ду-тор, танбурнинг бўзига ўйиб туширган гуллари ҳар қандай кишининг завқини келтиради. Илг-ри оддийгина ишланган ҳаррак, тор созлагичла-рини ҳам ўйма нақшлар билан безади.

Усмон ота соз товусининг сифатли ва балан-д бўлишини биринчи навбатда ишлатилаётган жи-ҳозларнинг сифати билан ўлчади. Дутор асбо-бининг «қорни» ва илпоқига ишлатиладиган тут ёғочларининг яхши кўйдирилиши, торнинг тоза ипакдан ишланishi овозини баландлатишда муҳим эканини уста қайта-қайта таъдорлайди:

— Ҳозирги вақтда шошқалоқ «уста»лар ёғочни куйдирмасдан, тўғридан-тўғри ишлаб юборип-тилар. Ҳолбуки, у бир-инки йил, ҳатто беш йил-гача махсус қиздиргичда куйдирилиши, қурити-лиши керак. Ишқ ўтида куйган юрак ноласи куч-ли бўлганидек, куйдирилган ёғочдан ишланган дутор таронаси серзаъқ бўлади.

Усмон отанинг санъати фақат республикамизда эмас, Иттифокда ҳам машхур. Уста ясаган ас-боблар Қозғистон, Тожкистон, Туркиманстон наби қардош республикалар созандалари кўлида куй таратяпти. Улар таъриб алмашиб, Усмон ота маҳоратини ўрганиш, у кишининг чо-лгу ас-бобларини таномиллаштириш ҳақидаги қимматли фикрларини олиш ниятида меҳмонга қақриша-ди. Усмон ота ўз санъатини жон-дили билан ўр-гатишга доим тайёр. Шунинг учун ҳам шоғирд-лари бу хўнарни тўла-тўқис эгаллаб, ҳозир маш-хур усталар қаторида меҳнат қилишяпти. Ай-ниқса, Сирониддин Мўҳиддинов устоздан мам-нун. Давлат мунофоти лауреати Петросян ҳам устанинг собиқ шоғирдларидан.

Миллий маданиятни ривонландиришга, унинг равнақ топишига ҳисса қўша олган ҳар қандай киши муроди рубёга чиққан бахтёр инсон. Ус-мон ота Зуфаров ҳозир салкам саксонда. Уста жон ато қилган созлар йиллар давомида халқ дилини хушнуд қилади. Усмон ота номини насл-дан-наслга олиб ўтади.

Тўхтамурад БАҲРОМОВ.

## ОҲУНИНГ МУНИС КЎЗЛАРИ

Аму саёҳатида азим дарё бой-лиқларини ўзимча сарҳисоб қил-дим. Қуш ва ҳайвонлар Аму жавоҳирларидан бири саналади. Уша сафарда Нукусдаги овчилар жамиятининг мутасаддиларига дуч келдим. Улар гуруннинг бурма-дини шинокятдан бошлашди:

— Биласиз, дарёнинг миллион-миллион гентар яшил соҳиллари бор. Қушларнинг ўзидан 200 тур-га яқини шу соҳилларда. Аммо буларга йил сайн қирон келяпти. Кузда тутилганидан беш нарра зиёда отилиб тургандан кейин нима бўларди? Ҳайвонларнинг ҳо-ли бундан баттар. Ўн саккиз йил бурун йўлбарс деганини уруғ-аждодини қириб битиришди. Аму-нинг Қорақалпоқ қисмида запо-ведник йўқ ҳисоби. Гапнинг сира-сини айтганда, бу қириннинг олдини ололмаямиз.

Бу арз-доғлар қаҳим? Агар ҳақ бўлса, нима қилиш керак?

Ҳаёлимда ҳадеб шу саволлар айланарди. Бир қарорга келолма-дим. Улмаизнинг ўзга бойлиқла-ри қаторида унинг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳам ҳар биримизнинг бурчимиз эмасми! Наҳот маржон кўли туранинг қанотини синдиришга, гоэнинг мо-микде оппоқ тўшини кўроқшин билан тилка-пора қилишга, чул маликаси — шаддо охунинг му-нис нигоҳини сўндиришга қўли борса одамларнинг!

Беруний «Ҳиндистон» асаридан бир ҳикоят келтиради: «Табиат богбонга ўхшайди, ўзни дархат-нинг ҳаётга мослашган шоҳлари-га парвариш беради, бачиларини эса қуритиб ташлайверади». Бу-ни фақат ҳикоятгина деб қара-маслик лозим. Менинчга, одамлар табиат ва ҳайвонлар олами билан мулоқотда бўлар экан, донишманд-нинг бу фикри дастур ва йўриқ бўлиши мумкин. Зотан, табиат жониворларни ҳуда-беҳуда кў-пайиб ёни камайиб кетишдан ўзи сақлайди.

Ечилмаган жумбоқ мени Ўзбеки-стон ССР Министлар Совети Ўрмон хўнаилиги Давлат комитет-ининг ҳайвонот дунёсини муҳо-фаза қилиш ва овчилик ишлари бўйича бошқармасига етказди. Маҳкаманинг бош инспектори Раҳимберди Исомухамедов билан узоқ суҳбатлашдим. Нукуслик ўр-тоқларнинг кўйиб-пишганлари бор экан: аслини олганда, шинокят-нинг йирғи бу ёндан чиқиб қолди.

— Менга қолса, жойлардаги хиз-матчиларимиздан ўпаламайман. Уларнинг дарди — бизнинг дар-димиз, айбни бир-биримизга тў-наб қўйишимиздан нима фойдал Инспектор бир тўп қозғонин, уч-тўрт папкани стол устига қўй-

ди. Бу — маълумотлар, ҳужжатлар бўлса керак. Лекин у далилларга қарамай, барини ёддан гапирди: — Гапнинг дангали мана бундай: авваллари областларда биттадан инспектор бўларди. 1962 йилдан бери бу штат ўз-ўзидан йўқолди. Нойлардаги жамиятимиз «Ўзбехохотрыба», деб аталади. Лекин улар унча масъулият сезишмайди. Кўпроқ область ўрмон хўжалиги бошқармасига суянамиз. Афсусли, бу маҳнамада биргина от-улов бор, баъзилари ўшанга ҳам муҳтож...

Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳозир одамларда оддий ов милтигидан вертолётгача бор. (Мен геологлари нўзда тутаялман). Ов милтиқларининг жуда кўпи ҳисобда турмайди. Бир вақтлари республика Савдо министрлигига шундай нўрсатма берилганди: «Фақат овчилик билети бўлганларгагина ов куроли сотилсин». Бу негадир оқибатсиз қолди. Кейинроқ бошқароқ йўл тутдик. «Милтиқлар кўнгилли жамият орқали сотилсин». Яна бўлмади...

Улуғ Ватан урушидан кейин ҳайвонот оламида ачинарли ҳол содир бўлди. Одамларда ов милтиги кўпайгандан кўпайди. Оқибати нима бўлди дегн? Ер юзидан 25 хил жонзоднинг уруғи тугаб нетди. Шундан ўнтаси бизнинг республикамизда тугатилган. Ну, нусликлар айтган йўлбарс ўшандан биттаси бўлади. Энди уларни фақат ҳайвонот боғларидагина кўрасиз.

Ҳамма жонзод тез кўпалди. Буни тажрибадан кўриб турибмиз. Даҳлсиз заповедникларни яна кўпайтириш керак экан. Туданўлдаги заповедникда ҳозир 150 минг сузувчи кўш қишлайди. Нуротадаги даҳлсиз ёввойи қўйлар 2,5 мингдан ошди. Чўлларни ўзлаштириш, яйдоқ жойларда янги-янги посёлкаларнинг қурилиши, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган кимёвий дорилар, табиий кўш ва ёввойи ҳайвонларнинг эркин кўпайишини чеклайди. Бу эса, албатта даҳлсиз заповедникларни кўпайтиришни танқоз қилади.

Сўхбатдошим бирпас тин олди. Аммо у ниманидир фаромуш қилганга ўхшар эди. Мен шу бир дамлик сунут орасида ўйлаб нетдим... Сўнгги йилларда Амунинг фусуннор манзараси анча ўзгарди: сузувчи кўшлар макони бўлган 62 минг кўлча нуриди. Энди дарё тўлиб оқмаяпти. Экингда шовуллаб турган яшил тасма-тўқайзорнинг миллион гектари қоқжираб қолди. Бу чоралар, албатта, хўжалик учун керак эди. Лекин шундоқ экан, овчиликка фақат кўнгил хушилик, деб қараш керакми? Охунинг мунис кўзларидаги илтижони ўқиб кўрадиган пайт нелмадим?

— Ҳа, гапнинг энг сўнггиси, — деб қолди ҳалигача жим ўтирган инспектор. Бутун бошли бир маҳнамада уч киши ишлаймиз. Гап бунда ҳам эмас. Битта натта оворагарчиликмиз бор. Ишларимиз ҳақида ЎзССР Министрлар Советининг ўрмон хўжалиги Давлат комитетига ҳисоб берамиз. Худди шу йўсинда республика қишлоқ хўжалиги Министрлигига ҳам ҳисобот топшираемиз. Езма ҳисоботимизга гоҳ йил буйи явов ололмаймиз. Кўпгина эътиборли истанкларимиз қондирилмай келади. Хуллас, менинча, ишимизни қайта ташкил қилиш зарурати борга ўхшайди...

Ҳа, бу масаланинг аллақачон пишиб етилгани кўпчиликлма маълум.

Мурод ХИДИРОВ.



Рёдакциядан Ҳамза яшаган ва ишлаган жойларга бориб, фото суратлар олиб келиш тўғрисида топшириқ олдим. Даставвал, Қўқонга сафар қилдим. У ерда адабиёт музейининг директори Соли Йўлдошев билан учрашдим. Бу ажойиб, хушсухан киши мени Ҳамза номин билан боғлиқ жойларга бошлаб борди, шоир ҳақида жуда кўп хотираларни сўзлаб берди.

Қўқон нейинги йилларда тамомла ўзгариб, янги қиёфага кириб борапти, бинобарин, эски жойлар бирин-бирин бузиб ташланапти. Шундай бўлса ҳам, Ҳамза яшаган, ижод қилган жойлар эҳтиётлаб сақланапти.

Ҳамза билан бирга ўсиб, бирга ўнган, ҳозир шаҳарнинг фахрий граждани Назиржон Иброҳимов мароқли ҳикоялар айтиб берди:

— Мактабда ўқиётганимизда Ҳамза мусиқа тўғрарига қатнашишни маслаҳат берди. Бордим, лекин асбобим йўқ эди. Эртаси мандолина сотиб олдим. Тўгаранка бир неча бор қатнадим, аммо мусиқага ўқувим йўқ экан шекилли, ҳеч нарса билмадим. Сўнг мандолинамни Ҳамзага бериб нетдим...

Қўқондан Ҳамзаободга йўл олдим. Республикамизнинг бу гўзал масканини ним билмайди дейсиз! Мен бу гал Ҳамзаобод табиатини эмас, қишлоқнинг ажойиб раҳбари, ҳамзашунос Абдулла Ҳотамов ҳақида икки оғиз ширин гап айтгим келади. Яқинда унинг китоби босилиб чиқди, унда Ҳамза ҳаёти хикоя қилинади. Абдулла Ҳотамов — қишлоқ Советининг раиси, бир вақтлар шоирнинг нотиб бўлган серғайрат нишидир.

Ҳамзаободда ўзбек халқининг асл фарзанди Ҳамзанинг қабри, музей намунали сақланаётгани ҳаммани хушнуд этади.

Семён БЕЗНОСОВ.  
Автор фотолари.

# ҲАМЗА ҚАДАМ- ЖОЙЛАРИ


Қўқон, 1918 йилда собиқ Розен бах кўчасидаги ҳовиллардан бирида — мана шу дарахтлар соясида Ҳамза ташкил этган мусиқа тўғрарига аъзолари тез-тез тўпланиб туришган.




Қўқон. Ҳамза таълим олган мактаб биноси.



Ҳамза яшаган Матбуот кўчаси.



Ҳамзанин Қўқондаги уй-музейи.



ҲАМЗАОБОД. Шоир Кўксев буйдаги мана шу харсанг тош устида ўтириб ҳордиқ чиқарди.




Бу сурат 1928 йил 26 октябрда Шоҳимардонда олинган. Уша кун «Уртон» қишлоқ хўжалик артелининг ҳамма аъзоси бир қўш хўкизи билан далага чиққан эди. Уртада Ҳамза Ҳанимзода турибди.



ҚУҚОН. Ҳамза номидаги музикали драма театри биноси.



Ушбу сурат 1928 йил ноябрь ойида Шоҳимардонда олинган. Утирганлар (чапдан уннга) — Ҳамза Ҳанимзода, Қўшчилар ширкати раиси Неъматов, Ҳамроқул Турсунқулов (у пайтда сув хўжалиги ходими), тик турганлар — қишлоқ Советининг нотиби Абдулла Ҳотамов, Шоҳимардон қишлоқ Советининг раиси Рўзбой Қамбаров, Олтириқ район қўшчилар ширкати раиси Ғани Холбоев.



Ҳамза Ҳанимзода Нибзий мақбараси.



Ҳамза қабри ёнида шоирнинг собиқ нотиби Абдулла Ҳотамов.

# КОЗЬМА ПРУТКОВ КИМ БЎЛГАН?



Унинг анча мукамал таржимаи ҳоли бор, туғилган ва ўлган йили аниқ, ҳатто онлавиий ҳаётининг икки-чикирларигача маълум. Унинг ҳарбий хизматда бўлгани, давлат муассасаларида ишлагани, қандай мартабаларга кўтарилиб, қандай орденлар билан таъдирлангани ҳақида ўзи ҳам, биографлари ҳам батафсил ёзишган. Юқорида кўриб турибсиз, ажойиб ишлаган портрети ҳам сақланган.

Козьма Прутковнинг адабий мероси кенг китобхонларга маълум, у чуқур ва атрофлича ўрганилган. Ижодининг энг яхши намуналари хрестоматияларга киритилган, танланган асарлари эса қайта-қайта босилиб чиққан. Унинг жуда кўп масаллари, «ҳимматли» сўзлари, мақолалари, ҳатто пьесалари бор.

Уни кўрганлар: «ўрта бўйли, сипо, хўмрайган роқ, ўз қадрини биладиган, мағрур одам» деб таърифлашади. У «Современник» журналнинг актив автёри эди, у ҳақда Добролюбов ҳам ёзган, Г. Плеханов ва В. И. Ленин ундаи цитаталар келтирган.

Лекин қизиги шундаки, шуларнинг ҳаммасига қармай, Козьма Прутков деган шахс ҳаётда, тарихда бўлган эмас.

Чор Россиясининг амалдори, шоир Козьма Прутков ва унинг биографиеси — ўйлаб чиқарилган нарсалар, бир неча ўткир сатирикнинг ҳазил-мутобба фантазиясидир, унинг асарлари ҳам шу сатириклар томонидан ёзиб нашр этилган.

Козьма Прутков — ўзининг ўтакетган жўнлиги билан кулгили «афоризм»лар, масаллар ёзиб юрадиган, ўзига жуда ишонган, лекин ғирт иодон ва бефаҳм амалдор образидир. Унинг ўзи ҳам, «ёзган» асарлари ҳам чор Россиясининг XIX асрдаги чиркин тартибларини фож қилади.

Бу ажойиб образни, унинг ўткир сатирасини ўйлаб чиқарган ёзувчилар уч киши бўлган деб тахмин қилнади. Бирини — драматик асарлари билан танилган Алексей Константинович Толстой; бири — масалнавис Александр Жемчужников ва яна бири — унинг укаси Владимир Жемчужниковдир.

Прутков «ўлган»идан кейин (1863 йил) унинг танланган асарларини нашр этган В. Жемчужников сўз бошида бутун сирини очиб ташлайди. Шундан кейин ҳам амалдор ва шоир Козьма Прутков образи халқ тасавурида худди тарихий шахсдай ҳамон яшаб келади, унинг танланган асарлари бизнинг даврда ҳам нашр этилди.

## КОЗЬМА ПРУТКОВ «ҲИММАТ»ЛАРИДАН:

Қўлочга сиймаган нарсани қучоқлаб бўлмас. Илдинизга боқ!

Ҳовлингда фонтаннинг бўлса, оғзини бенит, фонтан дам олсин.

Ғафлатда қолма!

Изоҳлар ноаниқ фикрни ёритади.

Ишга киришди олдидан нафасингни ростлаб ол.

Елгон гапирсанг, сенга ким ишонади?

Кулгини тийгандан, кулавериш осонроқ.

Бошланишга хотима бўладиган хотиманинг боши қаёқда?

Бахтиёр бўлгинг келса, бўл.

Оламга қараб туриб, ажабланмай иложинг йўқ. Қияликда юрма, пошманг қийшайди.

Сувга тош ташлаганингда, унинг атрофида ҳосил бўлган ҳалқа-ҳалқа мавиларга қара, акс ҳолда тош ташлаш шунчаки эрмак бўлиб қолади.

Доим хушёр бўл.

Яна айтаман — нулочга сиймаган нарсани қучоқлаб бўлмайди.

## КОЗЬМА ПРУТКОВ МАСАЛЛАРИДАН

Ортимиздан Иван бечора  
Пола териб қайтиди бир қучоқ,  
Уйга келса, оёғи яра,  
Товонига босди отқулоқ,  
Уқувчи! Лолани унутиб керак.

Бу масалда у фақат эрмак.  
Аммо бир гап сенга ҳавола:  
Мабодо оёғинг қирилса андан,  
Ярасини, бизнинг Ивандан,  
Сен отқулоқ билан давола.

\*\*\*

Эшон ойининг бир кунини  
Кўйнига кўрт ўрмалаб қолди.  
— Хизматкор, қанисан? Ол бунини!  
Хизматкор қўл солди...

Алқисса, кўйинингга ўрмаласа кўрт,  
Хизматкор қаңирма, ўзинг тут!

## АРАБЧА РАҚАМЛАР ҚАЕРДАН ОЛИНГАН

Рақамларнинг арабча ва римча хиллари ҳаммага маълум. Римча рақамлар таёқча ва ҳарфлардан тузилса, арабча рақам тўққиз хил (нолни ҳисобламаганда) шаклнинг маълум тартибда жойлашишидан иборат бўлади. Бу сўнггиси, албатта, ҳар жиҳатдан нулайроқ.

Бу рақам шакллари-

1 2 3 4 5 6 7 8 9 0

Кўриб турибсизки, бир рақамда фақат бир бурчак, икки рақамда икки, уч рақамда учта бурчак ва ҳоказо. Нол-

нинг нимадан олинганлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Маронаш давлат музейининг директори Абдулқори Боунибарнинг фикрича, араб рақами шаклларининг қиммати даставвал шу шакллардаги бурчаклар сони билан белгиланган. Ҳақиқатан ҳам кўйидаги шаклларнинг бурчакларини санасангиз, уларнинг рақам қимматига тенглигини кўрасиз.

Александр Сергеевич Пушкин бу ҳақда ўйлаб, ўзича қизиқ бир фаразни тақлиф этди. У бундай дейди: «Араб рақамларининг шакллари кўйидаги чизиқлардан ташкил топган:



Яъни AD (1), ABCD (2), ABCE (3), ABD+AE (4), ва ҳоказо.

## ТОШ БИЛАН ҚУРОЛЛАНИБ...

Афринада бир хил қузуғунлар туякуш тухуми билан озиқланади. Лекин туякуш тухумини чақиш осон эмас. Қузуғун эса бу тухумини чақишда тошни қурол қилиб ишлатар экан.

«Иш қуроли» ишлатадиган парранда ва ҳайвонлар кам эмас. Маймуларнинг баъзи хиллари асал олиб ейиш учун ари уясига таёқ тикади, нонос ёнғоғини қишида ҳам илмоқли таёқ, айри ишлатади. Ҳинд филли таёқ билан сиртинини қашийди. «Қизилиштон» дарахт пўстлогини остидаги қуртларни ейди, чуқурроқдагиларига тумшуги етмаса, узун чўп билан новлаб чиқаради.







Баҳоси 30 тийин.

Индекс: 75233